



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ШУКРОНА



Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинки, мамлакатимизнинг миллий истиқдолга эришуви ва жамиятимизда рўй берган ижобий ўзгаришлар диёримиз мусулмонлари ҳаётида ҳам улкан бурилишларга сабаб бўлди. Юртдошларимиз қалбида Ислом динига меҳр-муҳаббат янада ортди.

Муборак Рамазон ойи арафасида 60 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси республикадаги мусулмонларни бирлаштириб турувчи, уларга маънавий раҳбарлик ва ҳомийлик қилувчи, катта нуфузга эга бўлган, расмий диний ва мустақил ташкилотдир.

Истиқдолнинг дастлабки йиллариданоқ идора куч-ғайрат ва эътиборини советлар тузуми даврида ночор аҳволда қолган динимизни тиклаш, диндорларнинг эҳтиёжларига зарур шарт-шароитлар яратиш, унутилаёзган исломий анъаналаримизни жонлантириш, омбухоналарга айлантирилган масжид ва мадраса, хонақоҳларни таъмирлаш, мусулмонларга эътиқод эркинлигини таъминлаш, улар учун янги масжид, мадрасалар барпо қилиш, тарихий обидаларни ободонлаштириш, диний мутахассисларни тайёрлаш ишларига қаратди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси мусулмонларнинг ақидавий бирлигини сақлашга, масжидлар орқали мусулмонларга Ислом аҳкомларини аниқ ва тўғри талқин этишга катта эътибор беради. Ислом дини тарихига оид нодир қўлёзмалар ва китобларни тўплаш ҳамда уларни тадқиқ қилиш, ҳаж ва умра зиёратларини ташкил этиш билан шуғулланади. Идора, шунингдек, кенг қўламдаги хайрия ишларини ҳам амалга оширади.

Халқимизни динимиз йўл-йўриқларидан чалғитишга, улар орасига тафриқа солишга қаратилган ҳаракатларга ҳамда бошқа динлар миссионерларининг мусулмонлар ўртасида олиб бораётган зарарли фаолиятларига қарши собитқадамлик билан кураш олиб боради.

Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлигида икки мингдан зиёд масжид ишлаб турибди. Уларда беш мингдан зиёд имом-хатиб хизмат қилмоқда. Ёш, иқтидорли мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида Тошкент Ислом институти ва ўнта ўрта махсус Ислом билим юртлари, жумладан, иккита аёл-қизлар мадрасаси фаолият кўрсатяп-

ти. Уларда ҳозирги кунда бир мингга яқин ёш йигит-қизлар диний таълим олишмоқда.

Диний мутахассисларнинг малакаларини ошириб бориш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети билан ҳамкорлик қилиб, доимий фаолият юритувчи махсус малака ошириш курслари ташкил қилган.

Халқаро муносабатлар борасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакати билан бевосита алоқалар ўрнатган. Идорамиз вакиллари дунё мусулмонларининг энг нуфузли халқаро анжуманларида иштирок этиб келишмоқда. Шунингдек, жаҳоннинг турли мамлакатларида яшовчи мусулмонларнинг вакиллари меҳмон бўлиб тез-тез келиб туришади.

Элимизнинг имон-эътиқоди бутунлиги жамиятимиз маънавий поклигининг гаровидир. Айниқса, ҳозирги вазиятда бу жиҳатнинг аҳамияти жуда катта. Чунки истиқлолимиз равнақи аввало ҳамжиҳатликни, аҳилликни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу борада биз мўмин-мусулмонларнинг, уламолар ва имом-хатибларнинг вазифалари ниҳоятда масъулиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги яқинда эълон этилган қарори биз мусулмонларга идорамизнинг 60 йиллик тўйи арафасида катта тўёна бўлди.

Мўмин-мусулмонлар манфаатини кўзлаб қабул қилинган мазкур қарор Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши аъзолари, имом-хатиблар ва барча аҳли мўминларни юртимиз, динимиз равнақи йўлида янада ғайрат билан астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Фурсатдан фойдаланиб, мустақил диёримиз мўмин-мусулмонларини яқинлашиб келаётган кўшалок байрам — идорамизнинг 60 йиллиги ҳамда Рамазон ойи билан муборакбод этаман.

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

МУНДАРИЖА

<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Абдурашид қори БАҲРОМОВ	
Шукрона	1
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Муҳим воқеалар йилномаси	9
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Абдулазиз МАНСУР	
Совет даврида динимиз аҳволи	10
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Шарафуддин МИРМАҲМУДОВ	
Устоздан меҳр кўрдим	11
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Шундай бошланган эди	12
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Муфтийларимиз	13, 19, 21, 28
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Зиёуддинхон ибн Эшон БОБОХОН	
Шарафли Рамазон хосиятлари	16
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Муҳим воқеалар йилномаси	17
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Омонуллоҳ МУТАЛ	
Дунё кезган олим	20
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Идора меҳмонлари	21
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Тарих	
Абдулҳай ТУРСУНОВ	
Наманганнинг мадрасалари	22
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Анвар ҳожи ҚўЧҚОР ўғли	
Ибрат мактаби	23
<i>Ҳидоят сари</i>	
Ҳаким САТТОРИЙ	
Истиффор	24
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Абдураззоқ ЮНУС	
Эҳтиром	26
<i>Илк намоз</i>	
Дўстмуҳаммад НАСРИДДИН ўғли	
Боқий эҳтиёж	27
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Абудуқаҳҳор ШОШИЙ	
Юртимизда Куръон нашрлари	27
<i>Мактубларда манзаралар</i>	
Шукр этгувчилардан қилгин	28
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Ҳабибулло СОЛИҲ	
Улуғ хатготлар издошимиз	29
<i>ЎМИга 60 йил</i>	
Юсуфжон МАҲМУДОВ	
Холис хизмат қилдилар	30
Холида АҲРОРОВА	
Мунаввар кунлар қувончи	30



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

ЎМИга 60 йил
Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

4

ИДОРА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ночор қолган совет давлати иттифоқчилар тазйиқи билан 1943 йили жойларда диний марказлар очилишига, жумладан, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати ташкил этилишига ижозат берди.

Рамазон муборак!
Мухлис НАМАНГОНИЙ

7



*Лутфу иноят,
ассалом!*

Ассалом, эй моҳи олий қадр қиймат, ассалом!
Ассалом, эй манбаи жуду каромат, ассалом!
Ассалом, эй боиси хайру саховат, ассалом!
Ассалом, эй моҳи пур лутфу латофат, ассалом!
Бизни шод эттинг келиб, эй моҳи баҳжат, ассалом!

ЎМИга 60 йил
Исматулла АБДУЛЛАЕВ

8

ТАВАЖЖУҲЛИ ИНСОН ЭДИЛАР

Диния назорати то 1954 йилгача Эшон Бобохон ҳазратларининг уйларида иш юритган. Ҳазратнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Министрлар Совети қарорига мувофиқ кейинчалик Бароқхон мадрасаси ва Тиллашайх жомеъ масжиди Диния назорати ихтиёрига берилди.

Хабарлар

14

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Брунейда Рамазонга
ҳозирлик

Бруней султонлиги телерадиокомпанияси хабар беришича, Рамазон ойида мамлакатда 108 тонна хурмо бепул тарқатилади.

ЎМИга 60 йил

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

18

УЧ ТИЛДА
БОСИЛГАН ЖУРНАЛ

Журналнинг 18-19-20-саҳифаларида 1943 йил 18 ўктябрда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмон руҳонийлар ва диндор намоёндаларининг қурултойида тасдиқ ва қабул қилинган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг Устави (низом) ўрин олган. 21-22-саҳифаларида муфтий

Эшон Бобохоннинг “Қурбонлик”. “Эҳтиёти пешинни тарк этиш” ҳақидаги мақолалари берилган.

Рамазон муборак!

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ

31

МАККАДАГИ ИФТОРЛИКЛАР

Ҳарамда шомга азон айтилиши биланоқ дастурхонлардаги хурмо билан оғиз очилади ва зам-зам, чой ва қаҳва ичилади. Эътибор берсам, ҳар ким ўнтагача хурмо ер экан. Ушбу ифторлик беш дақиқа давом этади, холос.



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли

тайёрлади.

Тартибловчи

Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли

Матни

Юлдуз КОМИЛ қизи

терди.

Манзиллимиз: 700021, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 00079.

Босмахонага 2003 йил 13 ўктябрда топширилди. Қоғоз бичими 84х108^{1/16}. Адали 7200 нусха. 163-сон буюртма. «КО‘НИ NUR» МЧЖда босилди. Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй. Интернет почтамиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда. Макет асл нусхаси Pentium-IV компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар тўлиқ ёзлиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.



ИДОРА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ўлкамизда мустақиллик шамоли эса бошлаганидан бери дин соҳасидаги ўзгаришларнинг аҳамиятини чуқурроқ англаб етиш ва уларни муносиб қадрлаш учун бугунги ҳаётимиз билан совет давридаги диний аҳволни қиёслаш ёш муулмонларга, толиби илмларга ва уларнинг пешволарига сабоқ бўлишига аминмиз.

Миллатимиз тарихида ўчмас қора доғлар қолган замонларда муулмонларимиз Куръони каримни ўқиш-ўрганиш у ёқда турсин, уни уйларида сақлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар. Имонли ва мансабдор шахслар ва амалдорлар доимий суратда мафкуравий муассасалар томонидан таъқиб остида бўлганлари сабабли ҳатто марҳумларни дафн этиш маросимларида бемалол ҳозир бўла олмас, инсоний бурчларини ҳам адо эта олмас эдилар. Айниқса, юртимизнинг аксарият халқи муулмон бўлгани учун мамлакатимизда Исломга қарши кураш даҳрийларнинг бош вазифаларидан бири эди. Улар Исломни ўзларининг ғоявий душманлари ва муулмонларни мафкуравий рақиблари ҳисоблар эдилар.

Иккинчи жаҳон уруши айни қизиган паллада ҳоли танг келиб қолган советлар ҳукумати иттифоқчи мамлакатларнинг иккинчи фронтни очишига жуда муҳтож бўлди. Аммо Ғарб давлатлари бунинг учун бир неча шарт қўйишган эди. Шулардан бири — халққа диний эркинлик бериш. Ночор қолган совет давлати иттифоқчилар тазйиқи билан 1943 йили жойларда диний марказлар очилишига, жумладан, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон муулмонлари диния назорати ташкил этилишига ижозат берди. Янги диний марказни молиявий таъминлаш мақсадидагина собиқ беш республиканинг йирик шаҳар ва вилоятларида битта-биттадан масжид очилишига рухсат этилди. Узоқ вақт қаровсиз қолган масжидларнинг бинолари хароба ҳолига келиб қолган эди. Бир неча йиллар дину диёнатдан маҳрум этилган ота-боболаримиз хурсандликни ичларига сиғдира олмай, бел боғлаб, уларни таъмирлаш ишига киришдилар. Чунки масжидларнинг очилишига рухсат этилишининг ўзиёқ улар учун улкан тарихий воқеа эди. Энди диния назорати олдида янги муаммо пайдо бўлди: масжидларни имомлар билан таъминлаш керак эди. Чунки бу даврга келиб, имомликка лаёқатли домлаларнинг сони камайиб кетган, борлари ҳам совет ҳукуматининг тазйиқларидан безор бўлганлари учун масжидларда ишлашдан кўрқар эдилар.

Ниҳоят, диния назоратининг такрор ва такрор илтимосидан кейингина 1945 йили Бухородаги хароба ҳолига келиб қолган Мир Араб мадрасаси биносида талабалар сонини йигирмадан

оширмаслик шarti билан мадраса очилишига рухсат этилди.

Лекин Мир Араб мадрасаси биносининг асрлар давомида захлаб кетган ҳужраларини иситиш амримаҳол эканини эътиборга олиб, мутасаддилар 1958—59-ўқув йилида Бароқхон мадрасасини очишга рухсат этишди ва Мир Араб мадрасаси толиби илмларининг бир қисми Тошкентга кўчириб келинди. Афсуски, бу илм даргоҳи узоқ ишламади. Айтишларига қараганда, ўша пайтдаги раҳбарлардан бирига Ўзбекистон марказида диний мадрасанинг фаолият кўрсатиши ёқмаган экан.

1960 йиллар охири 1970 йилларга келиб советлар ҳукумати ўзининг дунёга ҳукмронлик қилишдек қора ниятларини амалга ошириш мақсадида нигоҳини араб ва муулмон мамлакатларига қарата бошлади ва улар билан сиёсий, иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлаш, шу йўл билан уларни ўз таъсир доирасига киритиб олиш режаларини тузди. Аммо бу ғаразли ниятларини амалга ошириш осон эмас эди. Чунки Ғарб мамлакатлари жаҳонга советларнинг динсиз эканини, диндорлар барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилганини уқдириб бўлган эди. Эътиқодий масалани биринчи ўринга қўядиган араб ва муулмон халқлари динсизлар юрти билан алоқа ўрнатишни истамасликлари табиий ҳол эди. Шунинг учун Масковдаги мутасаддилар тезлик билан Уфа, Боку, Бўйнакск ва, хусусан, Тошкентдаги диний идораларнинг фаолиятини кенгайтиришга ва улар воситасида хорижий муулмонлар орасида совет давлатида «виждон эркинлиги таъминланганини» тарғиб этишга бел боғладилар. Шу мақсадни амалга ошириш учун 1970 йили Тошкент шаҳрида Ислом олий маъҳадини (ҳозирги Имом Бухорий номидаги Ислом институтини) очишга, 1969 йили диния назорати қошида халқаро алоқалар бўлими ва тўрт тилда («Совет Шарқи муулмонлари») номли журнал чоп этишга, оз нусхада бўлса ҳам, Куръони каримни ва Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ва «Ал-Адаб ал-Муфрад» асарларини араб тилида нашр қилишга, Иттифоқ бўйича йигирма беш нафар муулмонларни ҳажга юборишга ва халқаро анжуманлар ўтказишга рухсат этилди. Афсуски, мазкур тadbирларнинг барчаси, юқорида айтганимиздек, фақат ғаразли бир мақсадга, у ҳам бўлса, хорижий муулмонларни Совет Иттифоқида диний эркинликка кенг йўл очиб берилган, деган сохта ҳақиқатга ишонтиришга қаратилган эди. Нашрдан чиқарилган диний асарлар ва ойномалар мамлакат ичкарисидидаги муулмонларга берилмас, уларнинг қарийб барчаси чет эллардаги исломий таш-

килотларга ва хориждан келган меҳмонларга диний «эркинлик мавжудлигининг» исботи сифатида тақдим этилар эди. Худди шу мақсадда тез орада совет мусулмонларини чет элларга юбориш, хорижда ташкил этиладиган исломий анжуманларда иштирок эттириш, совет ҳукумати-га лоқайд бўлган Ислом олимларини СССР зиёратига таклиф этиш ва ҳатто машҳур Ислом до-рулфунунларига талаба-лар юбориш йўлга қўйилди. Бу даврга келиб,



Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати I пленуми қатнашчилари

диния назорати “Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси” деб атала бошланди. Муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон, раҳматуллоҳи алайҳ, бошлиқ раҳбарият мазкур берилган озгинагина имкониятдан ўзларининг Аллоҳ олдидаги бурчларини ҳалол адо этишга, Ислом ва мусулмонларга ҳолисона хизмат қилишга, халқимиз қалбидан дину диёнат ва имону эътиқод сўниб кетишининг олдини олишга, миллий уфр-одатларимизни сақлаб қолишга, исломий турмуш тарзининг афзалликларини ёшлар онгига сингдиришга, турли миллат ва элатлар ўртасида биродарлик ва ватандошлик ришталарини мустаҳкамлашга, диндошлар орасида аҳиллик ва бирдамликни қарор топтиришга, уламоларнинг бошларини бир ерга қовуштиришга ва бошқа кўпгина ҳайрли ишларни амалга оширишга сарф қилдилар. Дарҳақиқат, муфтий ҳазратлари ўзларининг чуқур исломий билимлари, хушфеъл олоблари, мислсиз ташкилотчилик қобилиятлари, илм аҳлига ва, хусусан, толиби илмларга меҳрибонлиги, жозибador нотиклиги, ғарибу мусофирларга ҳамдардлиги ва бошқа қатор қобилиятлари билан ҳақиқий донишмандликнинг намунаси ва мусулмонларнинг пешвоси эдилар. Ҳозирги кунда Ислом ва мусулмонлар учун нафақат юртимизда, балки Русия, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби мамлакатларда хизмат қилаётган диний раҳбарлар у зотнинг бевосита ёки билвосита шогирдларидирлар.

Советлар даврида диний соҳада ишлаш ҳеч кимга, ҳатто диний ташкилотларни назорат қилиб турадиган давлат муассасалари хизматчиларига ҳам осон кечган эмас. СССР Министрлар Совети ҳузурида ташкил этилган “Диний ишлар кенгаши” номли идора ва унинг марказий ҳокимият-гагина бўйсунувчи жойлардаги вакиллари зиммасига қоғозда давлат билан руҳонийлар ўртасида воситачилик қилиш ва улар орасидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, амалда эса, барча диний марказларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат қилиш вазифаси юклатилган эди.

Мазкур кенгашда фақатгина атеистлар (даҳрийлар) хизмат қилар эди. Бу ҳол бамисоли қўйни оч бўрига топшириб қўйишга ўхшаб кетар эди.

Мен ҳам бир неча йил мобайнида Диний идоранинг халқаро бўлимига бошчилик қилганман. Вазифа юзасидан Диний кенгаш вакиллари билан тез-тез мулоқотда бўлишга, Диний идоранинг ички ва ташқи сиёсатига оид фаолиятини муҳокама қилишга, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига тегишли режаларидан келиб чиқиб, диний раҳбарларнинг вазифаларини белгилашга бағишланган суҳбатларда иштирок этишга тўғри келар эди. Бундай қатор учрашувлар асосида камина советлар ҳукуматининг умуман диндорлар, хусусан, диний муассасаларга нисбатан олиб борган сиёсатининг нақадар зулмкор эканига тирик гувоҳ бўлганман. Исбот тариқасида бир неча мисоллар келтираман:

1. Масжид ва имомлар ҳақида. Совет даврида янги масжид биносини қуриш ва уни ишга тушириш тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин эмас эди (Зарурат юзасидан барпо этилган бир нечта масжид мустасно). Фақат эски ва ташландиқ масжидларни очишга рухсат борасида сўз юритиш мумкин эди, холос. Ҳатто масжидларнинг таҳоратхоналарини созлаш учун ҳам Масковга мурожаат қилинар эди. Самарқанддаги Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд масжидларини таъмирлаш ва обод қилишга рухсат сўраб Диний идора ўн йил муттасил мурожаат этган. 1974 йилга келиб Самарқандда Имом Бухорийнинг таваллудларига 1200 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган халқаро анжуман туфайлигина у зотнинг масжидларини бир оз таъмирлашга рухсат этилди. Таъмирлаш ишлари бошлаб юборилганидан кейин ҳам бизга номаълум сабабларга қўра бир неча бор иш тўхтаиб қўйилган.

Масжид имомлари Диний идора томонидан тайин этилсалар ҳам, масжид ишларига бош-қош бўлишга ҳақлари йўқ эди. Масжидларга асосан ҳукумат томонидан тайин этилган мутавалдилар — хўжалик ишлари мутасаддилари хўжайинлик

қилар эди. Улар ҳатто имомларнинг никоҳ, жаноза ва бошқа диний тадбирларини ўтказиб берганлари эвазига уй эгаларидан оладиган ихтиёрий ҳадяларни ҳам назорат қилар ва улар тўғрисида мунтазам Диний кенгаш вакилига ахборот бериб турар эдилар. Уларнинг маълумотларига асосланиб молия идоралари имомларга катта миқдорда даромад солиғи солар, шунингдек, ойлик маошларининг ярмидан кўпини солиқ сифатида олиб қўяр эди. Жума мавъизаларининг матни ҳам аввал рус тилида тайёрланиб, ҳукуматга тақдим этилиши мажбурий эди. Бечора кўп имомлар рус тилини билмаганлари боис таржимон ёллар ва амал-тақал қилиб не азобу укубатлар билан диний маърузаларини русчалаштиришар эди. Улар ижтимоий таъминот ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар. Чунки имоматчилик иш стажига кирмас ва шунинг учун улар давлатдан бир тийин ҳам нафақа олишга ҳақли эмас эдилар. Намозхонларнинг аксариятини кексалар ташкил этар, ёшлар ва ўрта ёшдагилар масжидларга қўйилмас эди. Жума ва икки ҳайит кунлари масжидлар дарвозалари олдида ҳуқуқни ҳимоя қилиш махсус ташкилотларининг вакиллари оддий кийимда туриб олиб, намозхонларни бирма-бир назардан ўтказишар эди.

2. Мадрасалар ва мударрислар тўғрисида. Бухородаги Мир Араб билим юрти ва Тошкентдаги олий мадраса режалари асосан Масковдан тасдиқлаб берилар эди. Ўқув режаларига тарих, география ва рус тили каби фанларни умумий ўрта мактаблар ҳажмида киритиш ва уларга диний фанлардан кўра кўпроқ дарс соатлари ажратилиши шарт эди. Гарчи талабалар мазкур фанларни ўрта мактабларда ўқиган бўлсалар ҳам, такрор ва такрор ўқишга мажбур эдилар. Диний фанлар иккинчи даражали ҳисобланарди. Натижада талабалар дин илмидан “чала мулла” бўлиб қолмасликлари учун баъзи фидойи мударрислар моддий ва маънавий қийинчиликларга қарамай, ўз билимларини дарслардан кейин ҳам шогирдларига беришга ҳаракат қилишар эди. Дарҳақиқат, мударрислар ўз ишларига фидойи ва эътиқодда комил инсонлар эди. Шунинг учун ҳам барча қийинчиликларга бардош беришган. Мансабдор шахслардан бири кониבודомлик Мулла Сафиюллоҳ исми домламининг соқолидан тортиб кўпчилик олдида изза қилгани ҳамон ёдимда. Шундай ҳақоратларга қарамай, мударрислар бурчларини сидқидилдан адо этишган.

3. Ҳаж ва умра ҳақида. Ўтган аср 30-йиллари ўрталарида Совет ҳукумати Саудия Арабистонидаги элчисини чақириб олиб, дипломатик алоқани биртомонлама узганидан бери дунё мусулмонларининг муқаддас жойларига йўл буткул ёпилди. Жаҳон саҳнасида сиёсий вазият ўзгариши туфайли Масков гаразли мақсадларини амалга ошириш учун ўз фуқароларини Саудия Арабистонига учинчи давлат орқали юборишни йўлга қўйди. Собиқ Иттифоқ бўйича милёнлаб мусулмонлардан атиги йигирма беш нафар одамга ҳаж қилишга ижозат берилди бошланди. Ўзбекистон мусулмонларига шун-

дан 5-6 тагина ўрин ажратиларди. Ҳажга боришга муносиб қўрилган номзодлар минг чигириқдан ўтказилар, совет тузумига «садоқат»ларига қониқиб ҳосил қилинганидан кейингина муборак сафарга рухсат этилар эди. У замонларда умра тўғрисида оғиз очиш ҳам мумкин бўлмаган. Ҳажга борганлар истасалар умрани ҳажга қўшиб бирга адо этар эдилар. Ҳожилар Саудия Арабистонида бўлган вақтларида нафақат ерли араблар ёки бошқа хорижий мамлакатларнинг вакиллари билан алоқа қилиш, балки ватандошлар билан ҳам дийдор қўришиш тақиқланган эди. Ўз навбатида, Саудия Арабистони маъмурияти ҳам совет ҳожиларига ҳадиксираб қарар, ватандошларнинг улар билан қўришишларига йўл қўймас эди. Шу боис улар совет мамлакатидан келган ҳожиларни меҳмонхоналарига эмас, Зайни Кўшак исми мутаваффи (Қаъба-туллоҳни тавоф қилдирувчи)нинг шахсий хонадонига жойлаштиришар эди. Бундай сунъий тўсиқларга қарамасдан, она ватан соғинчида ҳожилар қадамига интизор ватандошларимиз улар билан учрашиш йўлини топишар ва уларига таклиф этиб, тун билан ватан ҳақида сўраб-суриштиришар эди. У пайтлари дунёда Ўзбекистон номли жумҳурият борлигини ҳеч ким билмас, бу мамлакат вакиллари қайси миллат бўлишларидан қатъи назар, чет элларда “руслар” деб аталишар эди. Дарҳақиқат, у вақтларда “Ўзбекистон” деган мамлакат бўлган эмас, у Русиянинг мустамлакаси бўлгани учун ҳам уни ҳеч ким танишни истамас эди. Аллоҳга шукрлар бўлсин, бугун араб ва мусулмон мамлакатларида мустақил Ўзбекистонни танимаган ва билмаган одам кам топилади.

4. Нашр ишлари ҳақида. “Совет шарқи мусулмонлари” номли ойнома Диний идоранинг лисони ҳоли деб ҳисобланса-да, амалда у ҳукумат нашри бўлган. Хорижий мамлакат халқлари орасида, юқорида таъкидлаганимиздек, Советлар юртида ҳурфикрлиликнинг барча йўриқларига риоя қилинади ва унинг таркибий қисми бўлмиш виждон эркинлиги кафолатланган, деган ёлгон даъвони зўрма-зўраки уларнинг онгига сингдириш ойноманинг асосий ва бош мақсади қилиб белгиланган эди. Уни инглиз ва франсуз каби ёт тилларда нашр қилинишининг ўзиёқ фикримизга далилдир. Акс ҳолда, уни қандай баҳолаш ва изоҳлаш мумкин?! Қизиғи шунда эдики, ойнома мақолаларининг мавзуи Масковдан белгилаб берилар, рус тилида тайёрланган матнлар таҳрир қилинар ва шундан сўнг бошқа тилларга таржима этилиб, чоп этишга рухсат этилар эди. Ойнома нашрдан чиққанидан кейин эса, Масковдагиларнинг ўзлари атеистик журналларда унга нисбатан танқидий мақолалар эълон қилар ва баъзилар атеизм соҳасида фан номзоди деган “илмий” унвонга эга бўлиш учун материал сифатида ундан кенг фойдаланишар эди.

Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

*Мухлис Намангонийнинг туғилган йили ва вафоти ҳақида аниқ маълумот йўқ. Наманганда таваллуд топган, Бухорода таҳсил олган. Амир Насруллоҳ даврида Лаби Ҳовуз девонбеги майдонида ваъз айтган. "Тухфатул обидин" муаллифи Обид Намангоний Мухлис Намангоний хусусида қори Исомиддин Воиздан эшитганларини шундай ёзади: "Номини Мулла Муҳаммадёр дебдир. Кичикроқ бир девони бор бўлиб, адабий қондалардан йироқ мухаммаслари қасида шаклида хотима бўлиб кетадир. Сўфиёна шеърлари кўпдир. Бухоро шахрини кўп мадҳ этадир".**



Мухлис НАМАНГОНИЙ

Лутфу иноят, ассалом!

Мухаммас

Ассалом, эй моҳи олий қадр қиймат, ассалом!
Ассалом, эй манбаи жуду каромат, ассалом!
Ассалом, эй боиси хайру саховат, ассалом!
Ассалом, эй моҳи пур лутфу латофат, ассалом!
Бизни шод эттинг келиб, эй моҳи баҳжат, ассалом!

Интизор эрдик йўлингда, эй маҳи раҳмагнамо,
Хуш келибсан, хоки пойинг дийдам узра тўтиё,
Сан эурсан кулли умматга мероси Мустафо,
Ҳурматингдин осийларни мағрифат айлар Худо,
Сан келиб, оламни қилдинг фарқи раҳмат, ассалом!

Эл ичинда гарчи маҳсан, мартабанг кундин зиёд,
Келганингда кулл малоиқлар қилурлар хайрбод,
Йилда бир олам элига қўб етар сандин мурод,
Неча муфсидлар бошидин айладинг дафъи фасод,
Ер юзин пок айладинг, бўлгил саломат, ассалом!

Келганингдин, шукрилиллаҳ, шод бўлди хосу ом,
Масжид ичра бўлди мўминлар ҳама соҳиб қиём,
Ҳам хузуъи ҳам хушув, ҳам қилиб хатми калом,
Неъматни бисёрни ийсор этарлар вақти шом,
Қайси маҳда бор мунча хайру баркат, ассалом!

Аҳмади мурсал аёгин бўса қилган моҳсан,
Нав аруси шаб, фалакда соҳиби ҳиргоҳсан,
Одатуллоҳ бу эрурки, гаҳ тўла, гаҳ қўтоҳсан,
Рамзи "Ваншаққал қамар"нинг сирридин огоҳсан,
Тозадан ҳар шаб кийиб эгнида ҳилъат, ассалом!

Рўзи аввал қурби покингни азим этмиш Фафур,
Боби дўзах бастадур, ул кун очик боби сурур,
Фарқи нурдир, балки файзинг бирла амвоти кубур,
Ким сани иззат қилур, иззат топар явми нушур,
Бу масалдир: "Яхшидин етгай шарофат", ассалом!

Эй, санга беҳад эрур икрому файзу хосият,
Аввалинг раҳмат эрур бешак, миёнинг мағфират,
Охиринг озоди дўзах, фарзи аввалдур ният,
Қайсига ҳосил ўлибди мунча қурбу макрамат,
Мақдаминг кўз узра, эй моҳи саодат, ассалом!

Бордур саккиз эшик жаннатга доим барқарор,
Биридур Райёну ёқутдин шўъои бешумор,
Ким ҳадис айди бу дарга Аҳмади Рафраф сувор,
Бул эрур маҳшар кунни маҳсус боби рўздор,
Эй маҳи хайрияти рўзи қиёмат, ассалом!

Эй баҳаққи ҳурмати моҳи сиёми пурфутуҳ,
Тавбамизни айлагил мақбул монанди Насуҳ,
Эй, хусусан, жисмдин бир кун жудо бўлганда руҳ,
Қилмағил фарқи ғазаб ул кун мисоли қавми Нуҳ,
Гўр ичинда айлагил лутфу иноят, ассалом!

Ё Расулаллоҳ, эурсан ҳашра соҳиб ривож,
Маснадинг тахти шафоат, нурдан бошингда тож,
Шири шафқат бирла уммат дардига қилсанг илож,
Чашми "Мозоғ ал-басар"ни жониби Мухлиста оч,
Қилмағил рад, ман десам, вақти шафоат, ассалом!

"Тухфат ул-обидин" китобидан
Сайфиддин Сайфуллоҳ нашрга тайёрлади.

*Пўлат Қаюмов. "Тазкираи Қаюмий", 3-жилд, 614-бет.

ТАВАЖЖУҲЛИ ИНСОН ЭДИЛАР



Давримизнинг улуғ инсонларидан бири, Қуръон ва ҳадис илмининг ажойиб билимдони, жаҳон таниган жамоат арбоби, ҳаётини Ислом дини йўлига, халқни адолатга, диёнатга, поклик, ҳаққўйлик ва ҳалолликка чақиришга бағишлаган ва шу олижаноб хислатларни тарғиб қилишда оғир машаққатларни бошидан кечирган инсон — шайх Эшон Бобоҳон ҳақида ёзиш фахрлидир.

Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари 1860 йили Тошкент шаҳридаги Ҳасти Имом маҳалласида машҳур уламолар оиласида таваллуд топганлар. Ёшлари етмасдан оналари вафот этиб, Абдулқодир ҳожи бобо билан эмикдош бўладилар. Ёшликдан боболари Аюбхон ибн Юнусхон ва оталари Абдулмажидхонда ўқиганлар, сўнгра Тошкентдаги Мўйи Муборак мадрасасида ҳужраларида яшаб, илм олганлар, Бухородаги “Мир Араб” мадрасасини тамомлагач, Тошкентга қайтиб, “Мўйи Муборак” мадрасасида кўп йил сабоқ берганлар, бош мударрис бўлиб ишлаганлар.

Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон кўпчилик дин, илм-фан, адабиёт кишилари қатори 1937 йили қамоққа олиндилар, у ерда пича ўтириб чиқдилар. 1941 йили иккинчи марта ҳибсга олиниб, қамоқ азобини тортдилар. 1942 йил бошларида Ўзе-

кистон ССР Олий Совети раиси Йўлдош Охунбобоев ҳузурига мурожаат қилиб кирадилар. Қама-қамаларда жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган Ислом дини аҳллари бадарга қилиб юборилганини, фашистлар ҳужумидан юртимиз, мамлакатимиз таҳлика остида қолган бир пайтда, марҳумлар жанозасини ўқийдиган киши топилмаслигини, маййитларга Қуръон ўқиш тақиқланганини, жумҳуриятда, жумладан, Тошкентдек азим шаҳарда бирорта ошқора масжид йўқлигини тушунтирадилар. Пойтахтда Ўрта Осиё жумҳуриятларини бирлаштирадиган Диний ташкилот очиб берилса, Ўрта Осиёдаги барҳаёт аҳли илмларни топиб, уларга имкон борича тушунтириш ўтказсак, улар Қуръони каримни ва Пайғамбаримиз суннатларини ўз шаҳарларида тарғиб қилсалар, масжидлар ва мадрасалар очиб, толиби илмлар тайёрласак, Аллоҳ фарзини адо этиб, давлатимиз галабасини ва фаровонлигини дуо қилиб турсак, албатта, муваффақият қозонамиз, деган маънода сўзлайдилар.

Йўлдош Охунбобоев ҳазратнинг мурожаатини Ўзбекистон Министрлар Совети раиси Абдужаббор Абдурахмоновга айтади ва у бир оз ўтиб, Эшон Бобоҳонни

қабул қилади ва: “Эшон ота, Масковдаги раҳбарлар билан гаплашдим, Тошкентда диний ташкилот очишга рухсат бўлди. Уни қаерда очиш ўзингизга ҳавола”, дейди. Эшон Бобоҳон ҳазратлари: “Диний идора албатта эски шаҳарда бўлиши керак. Ҳасти Имом даҳасида ўзимнинг ҳовлим бор, шу ҳовли танланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин ҳовлим ҳозирда болалар боғчаси билан банд”, дейди. Шундан сўнг Министрлар Советининг қарори билан уч кун ичида ҳовли бўшатиб берилади. Тезда бир ташкилий кўмита тузилади. Эшон Бобоҳон ҳазратлари Қозоғистонга, Зиёвуддинхон қори Тожикистон ва Туркманистонга, Мулла Содик домла Тўқмоқ ва Ўш шаҳарларига, Абдураззоқ Эшон Хўжандга борадилар. Аҳли илмларни Тошкентда очилажак Диний идора фаолиятдан хабардор қилиб, ўз вакилларини Тошкентга юборишларини илтимос қилдилар.

Диния нazorати то 1954 йилгача Эшон Бобоҳон ҳазратларининг уйларида иш юритган. Ҳазратнинг саъй-ҳаракатлари билан

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ЙИЛНОМАСИ

Ўзбекистон Министрлар Совети қарорига мувофиқ кейинчалик Бароқхон мадрасаси ва Тиллашайх жомеъ масжиди Диния нazorати ихтиёрига берилди.

Жаноби муфтий масжидга жиловхона ва гиштин девор олиш учун ўз жамғармаларидан ўн минг сўм васият қилиб қолдирган эдилар. Бу васиятнома муфтий ҳазратларининг дафн маросимларида ўқиб эшиттирилгач, бутун Ўрта Осиёдан маросимга келган мусулмонлар ҳам ёрдам қўлларини чўзишди, жамғарма миқдори 600 минг сўмдан ошиб кетди.

Жаноби муфтийнинг эзгу умидлари мадрасалар очиш ва унда толиби илмларни тайёрлаш эди. Бу ҳақда СССР Министрлар Советига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига кўп марта ёзма равишда мурожаат қилганлар. Натижада 1946 йил июн ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси Абдурахмонов муфтийни таклиф қилиб, Масковдан келган рухсатномани кўрсатади: Бухорода юз нафар талабага мўлжалланган бир мадраса очишга рухсат берилган эди. 1946 йил 29 августда Эшон Бобохон ҳазратлари Тошкентдан бир неча мударрислар билан бирга Бухорога бориб, 1 сентябр куни сермазмун нутқ билан мадрасани очдилар ва унга бош мударрис қилиб Ҳожи Акбархон домлани тайинладилар. Ўтган давр мобайнида мадрасадан кўплаб уламолар етишиб чиқди.

Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари 1957 йил 5 июнда 98 ёшда вафот этдилар. Бутун умрини Ислom дини йўлига бағишлаган олижаноб, халқпарвар бу инсоннинг ҳаёти ҳаммамиз учун ибратлидир.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари
доктори, профессор

1943 йил 20 ўктябр. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг биринчи қурултойида "Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния нazorати" ташкил этилди ва унинг раислигига Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон сайланди.

1945 йил бошида Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчиликларида бир гуруҳ мусулмонлар Ҳаж ибодатини адо этиш учун Саудия Арабистонига сафар қилишди. Уларни мамлакат қироли Абдулазиз ибн Абдурахмон Оли Сауд қабул қилди.

1945 йил. Бухородаги 1536 йили қурилган қадимий диний ўқув юрти — машхур "Мир Араб" мадрасаси фаолиятини қайта бошлади.

1946 йилдан нусха кўпайтириш йўли билан "Совет Шарқи мусулмонлари" журнали нашр этила бошланди.

1948 йил. Ҳижрий-қамарий ҳисоб билан мусулмонлар тақвими чоп этилди.

1961 йил. Диний бошқарманинг биринчи меҳмонлари сифатида Сурия бош муфтийи шайх Абу Йуср ал-Обидин, Покистон "Жамоат ул-Ислom" жамияти раиси мавлоно ал-Бадаюнӣ, Мароқаш Ислom ишлари бўйича давлат вазир, "Истиклол" партияси раиси доктор Аллал ал-Фаъсийлар расмий ташриф билан Тошкентга келишди.

1963 йил августда Диний бошқарма таклифига биноан Ҳиндистон муфтийи, Уламолар жамияти раиси шайх Атикур Раҳмон Усмонӣ бошчилигида меҳмонлар ташриф буюришди.

1968 йил. "Совет Шарқи мусулмонлари" журнали қайтадан нашр этила бошлади.

1968 йил. Қуръони карим нозил бўлганининг 1400 йиллиги муносабати билан Тошкентда хатот Мирза Ҳошим Хўжандий томонидан 1913 йилда насх хатида кўчирилган нусхаси асосида Қуръони карим нашр этилди.

1971 йил. Тошкентда Имом Бухорий номидаги Олий Ислom маъҳади (институти) очилиб, унга йигирмага яқин талаба ўқишга қабул қилинди.

1974 йил августда улуғ муҳаддис Имом Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб, Самарқанд шаҳрида "Имом ал-Бухорий ва ҳозирги замон" мавзуида илмий анжуман ўтказилди. Унда жаҳоннинг 33 мамлакатидан етмишдан зиёд дин арбоблари ва йирик олимлар қатнашишди.

1976 йил ўктябрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишлаб, Тошкентда "Ҳозирги замон шароитида Қуръони карим ва Суннати набавийа таълимотларининг ҳаётга татбиқ этилиши" мавзуида илмий анжуман ўтказилди.

1990 йил сентябрида Тошкентда улуғ муҳаддис Имом Абу Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб Халқаро Ислom анжумани ўтказилди. Унинг ишида йигирмага яқин мамлакатдан давлат, жамоат, дин арбоблари, йирик уламолар қатнашишди.





Даҳрий совет тузумининг динга муносабати қандай бўлгани ҳаммага маълум. Бу даврда диндорлар ҳуқуқи тинимсиз поймол этиб келинди, диний ва миллий қадриятларимизни тугатиб юборишга ҳаракат қилинди.

1924 йили Ўзбекистон Совет Иттифоқи таркибига гўеки “ўз ихтиёри билан” кирди. Шу тарихий санадан бошлаб иттифокдош республикаларнинг марказга — Масковга мутеълик даври бошланди. Ленин вафотидан сўнг

оқизиб ёки қабристонларга дафн этиб йўқотишди. Жон сақлаб кўплар хорижга чиқиб кетди ва то умрларининг охиригача ватан соғинчида, Ўзбекистонни бир маротаба бўлса ҳам зиёрат қилиб кетиш орзуида армон билан дунёдан ўтишди. Чунки келишга қўрқишар эди. Сабаби маълум. Иккинчи томондан, ватандаги қариндош-уруғлар ҳам чет элларда яшаётган жигарбандларини бир кўриш орзуида яшади...”

Ватанда қолганлар ичида ўзи етук олим бўлишга қарамай, жон сақлаш, “иснод”дан қуту-

СОВЕТ ДАВРИДА ДИНИМИЗ

совет давлати иккинчи “доҳий” Сталин тасарруфига ўтди. Унинг ўттиз йиллик салтанати даври ниҳоятда оғир кечди. Зулму ситам авжга минди, оммавий қатагонлар уюштирилди. Даҳрийлик мафкураси узра қурилган бу сотсиалистик давлат сиёсати кўпмиллатли совет халқининг нафақат моддий ҳолатини, балки маънавий-руҳий ҳолатини ҳам инқироз ёқасига олиб келди.

1924 йили марказнинг махсус буйруғи билан Ўзбекистонда ишлаб турган диний мадраса ва масжидлар ёпилди. Бойлар қулоқ қилингани каби, кўзга қўринган уламолар ҳам турли қалбаки айбонмалар билан қамоққа олинди ёки Сибирга сургун қилинди.

Фарғоналик Муҳаммадқосим домла (вафоти 1980 йил) советлар давридаги қатагонларни эслаб, ҳазин оҳангда ҳикоя қилади:

“Марғилоннинг “Жомеъ” мадрасасини битириб, мударрислик қилаётган вақтимиз (1924 йил) эди. Ногоҳ мадрасалар ёпилиши тўғрисидаги буйруқ чиқиб, Ўзбекистондаги барча диний билим юрларининг фаолияти тўхтатилди. Бу ҳам етмаганидек, диний билимга эга бўлган, озми-кўпми номи элга танилган уламоларни бирма-бир борса-келмас томонларга олиб кета бошлашди. Талабалар тарқаб кетди. Камина ҳам шароитга қараб ўзимни мадраса кўрган сифатида эмас, оддий бир деҳқон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдим. Ҳатто уйимизда ҳам намоз ўқишга қўрқадиган бўлиб қолдик. Вазият кун сайин кескинлашиб борди. Уйидан диний китоб топилишининг ўзи уй эгасининг пешонасига «халқ душмани» деган тамғанинг босилиши учун кифоя қилар эди. Ўз кўзимиз билан кўрганимиз — Марғилон шаҳрида забардаст уламолар уйини тинтув қилишиб, диний китобларини аравага юклаб, устига уламонинг ўзини ҳам ўтказишар ва шаҳар четларида махсус қавлаб қўйилган чуқурликларга тириклайин кўмиб кетишар эди. Ҳеч ким бундай истибодга қарши чиқа олмасди. Аждарҳонинг оғзидан қутулиб қолиш учун кўп уламолар диний китобларини ўз қўллари билан куйдириб ё сувга

либ қолиш учун ўзини карликка, соқовликка солиб, то умрининг охиригача Аллоҳ таоло ато этган илму амалларини халқдан яшириб ўтишга мажбур бўлганлар қанча. Фарғона вилоятининг Кўқонтөпа қишлоғида 1969 йили 90 ёшларида қазо қилган мулла Муҳаммадамин домла худди шу тоифадаги зотлардан эдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “**Бу зикри илоҳий бўлмиш Қуръонни Биз нозил қилдик ва унинг асрагувчиси ҳам Биздурмиз**” (*Ҳижр, 9, мазмуни*), деб Қуръони каримни, Ислом динини ўзи ҳимоя этишини ваъда қилган. Шунинг учун ҳам ўтмишда динимизга нисбатан қанчалик аёвсиз ҳужумлар қилинган бўлса ҳам, у ўз асолатини йўқотмаган ҳолда яшаб келмоқда. Аллоҳнинг бу динни ҳимоя қилиши, албатта, уламолар воситаси ила экани муқаррар. Бинобарин, советлар даври қатагонларидан қандайдир сабаблар туфайли омон қолган бир қатор уламолар шарофатидан халқимиз шариат аҳкомларини бутунлай унутиб юборишдан қутулиб қолди. Шаръий никоҳлар тўхтамади, марҳумлар жаноза намозисиз кўмилмади.

1943 йилга келиб, Иккинчи жаҳон уруши авжига чиқиб турган бир пайтда советлар мамлакатада диний ташкилотларнинг қайтадан очилишига марказдан рухсат берилди. Бунинг сабаби тур-



УСТОЗДАН МЕХР КЎРДИМ



лича талқин қилинади. Баъзилар, давлат диндорларни урушга сафарбар қилиш, жуда бўлмаганда фронт ортидан туриб совет жангчиларига озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб беришга обрўли руҳонийлар даъватлари билан ҳисса кўшсин, деган мақсадда диний ташкилотларни тузди, деб кўрсатадилар. Бу гапда жон борлигига 1943 йили Тошкент шаҳрида очилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг таркибидаги республикалар мусулмонларига қарата қилган мушоахатномаси далил бўлади (“Муфтий Зиёуддин-

хон ибн Эшон Бобохон” китоби. 23—25-бетларга қаралсин).

Шуни ҳам қайд этиш ло-

АҲВОЛИ

зимки, даҳрий мафкурага асосланган совет ҳокимиятининг диний фаолиятга маълум миқдорда ружат бериб қўйиши, Конституцияда виждон эркинлиги тўғрисида алоҳида модданинг пайдо бўлиши, Исломи динидан бошқа яна христиан, буддавийлик, яҳудийлик ва бошқа ақидадаги кишиларнинг ибодатхоналар очишига, ибодат қилишига имконият яратиб берилиши СССР деб атаувчи катта бир империя обрўйини ҳимоя қилиш заруратидан эди. Зеро, унинг ташқи сиёсати учун бу ишлар керак бўлиб, дипломатик алоқаларда: “Бизда инсон ҳуқуқи тўла таъминланган, диндорларга ҳеч қандай тазийқ ўтказилмайди, улар диний маросимларини тўла-тўқис адо этадилар”, деб кўрсатиши учун бир восита эди.

Фикримизи исботига Совет Иттифоқидан ҳар йили ҳаж зиёрати учун атиги ўн беш-ийигирма кишининг жўнатилиши, бутун бир катта мамлакат мусулмонлари учун диний мадраса атиги иккита бўлгани, уларга Ўзбекистондан ҳар йили бор-йўғи икки-учта талаба қабул қилингани, ҳаммаси бўлиб саксонтагина масжид фаолият кўрсатгани, диний идора наشري саналмиш “Совет шарқи мусулмонлари” журналининг фақат хорижга жўнатилиши, Ўзбекистонга тарқатиш ёки унга обуна бўлиш тақиқлаб қўйилгани, диний адабиётлар нашрининг чеклангани, диний арбобларнинг оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларга йўл қўйилмагани... ва бошқа далилларни келтириш мумкин.

Бу каби ачинарли кечинмаларни кичкина бир мақолада батафсил ёритишнинг имкони бўлмагани учун гапни шу ерда якунлаймиз ва, умид қиламизки, мақоламиз мустақил Ватанимиз фуқароларида ўз она юртига садоқат кўрсатиб ва меҳр-муҳаббат неъматига шукроналар қилиб яшашга ундайди.

Абдулазиз МАНСУР,

Тошкент Ислам университети проректори

Раҳматли бобом қори бўлганлар. Менинг ҳам қори бўлишимни орзу қилардилар. Шу мақсадда Бухородаги “Мир Араб” мадрасасига олиб борганлар. Ёшим етмагани сабабли мадрасага қабул қилишмаган. Шундан сўнг ТошДУнинг шарқшунослик факултетига ҳужжат топширдим. 1967 йили урду тили бўлимни битириб, Республика радиосида ишладим.



1971 йилдан диний идоранинг халқаро бўлимида референтлик қила бошладим. Кейинчалик масъул котиб, муфтий маслаҳатчиси ҳам бўлдим.

Ҳар бир нарсанинг моҳияти, албатта, қиёслаш билан очилади. Совет даврида виждон эркинлиги Конституцияда қафолатланса-да, ҳаётга татбиқ этилиши жуда чегараланган эди. Бутун СССР мусулмонлари учун ягона мадраса — “Мир Араб” мадрасаси эди. Лекин мадрасалаги талабаларнинг ададини аниқлаш, қабул қилиш, нималарни ўқитиш масалалари ҳаммаси Масковда ҳал қилинарди. Масжидларнинг очилиши ҳам шундай бўлган.

Илк бор диний идорага ишга келганимда Зиёуддин қори ака мени очиқ юз билан кутиб олган эдилар. Зиёуддин қори ака одоб-ахлоқ бобида ҳақиқий мусулмон эдилар. Идорага қандай одам келмасин, қабулларига бемалол кириб, мақсадилтимосларини баён қилар, мамнун чиқиб кетар эди. Шу сабабли халқ ўртасида ҳурмат қозонган эдилар. Идорада ишлайдиган ёшларни доим илм олишга тарғиб этар, эшитган-кўрганларини қайд қилиш учун ён дафтарча олиб юришни тавсия қилар эдилар. Талабаларга жуда меҳрибон эдилар. Бухорои шарифга борганларида талабаларни ҳам, устозларни ҳам моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турардилар.

Зиёуддин қори ака билан хизмат юзасидан бир неча сафарларда бирга бўлганман. Сафар давомида ҳам ҳар бир нарсани эринмай тушунтириб берардилар. Бағрикенг, кўнгли очиқ инсон эдилар.

Шарафуддин МИРМАХМУДОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси собиқ ходими

ШУНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ...

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг ташкил топиши



Иккинчи жаҳон уруши чоғи худосиз коммунизмни ер юзидан йўқотиш ғоясини ўртага ташлаган Гитлер бирин-кетин галабага эриша бошлагач, СССР халқларининг диндор қисмига бу фикр маъқул келиши эҳтимоли туғилди. Бунинг устига иттифоқчи давлатлар иккинчи фронт очишни, жумладан, диний хурриятга боғлаб қаттиқ туриб олишди. Коммунистлар ҳокимияти ҳам иккинчи фронт очилишига эришиш, ҳам диндорларнинг кўнглини овлаш учун уруш айна қизиган маҳалда бошқа динлар қатори Ислом динига ҳам бир оз эркинлик берди.

Масковдан беш жумҳурият мусулмонларининг ягона диний бошқармасини тузиш «ташаббуси» тушгач, Ўзбекистон ҳукумати воситачилигида таъсис ҳайъати тузилиди. Ҳайъатга Ўзбекистондан замонанинг машҳур уламоларидан шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилигида Қозоғистондан шайх Абдулғаффор Шамсуддин, Тожикистондан шайх Солиҳ Бобокалон, Қирғизистондан Олимхон тўра Шокир, Туркменистондан шайх Кина Эшон раҳбарлигида таниқли диний арбоблар киришди. Ҳайъат ишида қатнашиш учун собиқ Иттифоқнинг Оврупа қисми ва Сибирия мусулмонлари диний бошқармаси раиси шайх Абдурахмон Расулий, Масков масжиди имом-хатиби шайх Халил Раҳмон, Қозон масжиди имом-хатиби шайх Қиёмиддин ал-Қодирий ва бошқа обрўли уламолар таклиф қилинди.



Ташкилий қўмитанинг биринчи мажлисида Олмаотадан Сокин ҳазрат Филмонов, Семипалатиндан Абдулғаффор Шамсуддинов, Чимкентдан Шокир қори Хаёлиддинов, Ашхабоддан Кина Эшон Назар Эшон ўғли, Душанбедан Абдусаттор Махдум, Хўжанддан Баширхон Исҳоқий, Тўқмоқдан Олимхон тўра, Ўшдан Шафоат ҳожи, Жалолободдан Тиллабой ҳожи, Намангандан Исмоил Махдум Саттиевлар қатнашишди. Қўмита таркибига Тошкентдан Эшон Бобохон, Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон, Мулла Содиқ домла, Абдураззоқ Эшон ва бошқалар киришди.

Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон масъул котиб бўлган таъсис қўмитасининг жадал тайёргарлик ишларидан сўнг 1943 йил 20 ўктябрда Тошкентда беш жумҳурият мусулмон уламоларидан 160 вакил қатнашган қурултой иш бошлади. Уч кун давом этган қурултойда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати ташкил этилди, унинг 11 кишилик раёсати ва 5 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланди.

Диния назорати раислигига бир овоздан Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон сайландилар ва бу зотга «Беш иттифоқдош жумҳуриятнинг муфтийи» деган олий унвон берилди. Раис муовини этиб шайх Муродхўжа Солиҳий, масъул котиблигига ўттиз беш ёшли шайх Зиёуддин ибн Эшон Бобохон сайланишди.

Қурултой минтақадаги беш жумҳуриятда қози бошчилигида бошқарма вакилликни тузишга қарор қилди. Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон Ўзбекистонга, Абдулғаффор Шамсуддин Қозоғистонга, Солиҳ Бобокалон Тожикистонга, Олимхон тўра Шокир Қирғизистонга, Кина Эшон Назар Эшон ўғли Туркменистонга қози этиб тайинланишди.

1945 йили мусулмонлар Эшон Бобохон бошчиликларидан илк марта ҳаж ибодатига боришди. Хорижий Ислом мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатила бошланди.

1948 йил декабрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг II қурултойи бўлиб ўтди ва унда Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон бошқарма раисига ўринбосар этиб сайландилар. У кишидан кейин ҳозиргача бу вазифада шайх Муродхўжа Солиҳий, шайх Исмоил махдум Саттиев, шайх Юсуфхон Шокиров, шайх Абдугани Абдуллаев, Зоҳидхон Қодир, Зокиржон Исмоил, Абдураззоқ Юнус (ҳозирда) самарали ишлаб келишди.

Эшон Бобохон вафотларидан сўнг 1957 йили шайх Зиёуддинхон Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назорати раиси, муфтий этиб



сайландилар ҳамда умрларининг охиригача (1982 йил) ана шу катта ва масъулиятли вазифада самарали ва фидойилик кўрсатиб ишлаб келдилар. Аллоҳ бу зотни раҳмат қилсин ва ажрини берсин!

Турли йилларда диний идорада ишлаганлар:

1. Исмоил маҳдум Саттиев
2. Абдугани Абдуллаев
3. Юсуфхон Шокиров
4. Абутороб Юнусов
5. Мирзамаҳмуд қори Мирзабахром
6. Абдумўмин қори Мирзабахром ўғли
7. Шоикром қори Широмов
8. Минҳожиддин қори Абдуллаев
9. Вайс Алоуддин ўғли
10. Абдуллатиф Султонмаҳмудов
11. Фозилхўжа Сиддиқхўжаев
12. Нуруллоҳ қори Баҳромов
13. Мухторжон Абдуллаев
14. Салоҳиддин қори Муҳиддинов
15. Убайдуллоҳ Лутфуллаев
16. Умаржон Турдиев
17. Собиржон Эминов
18. Усмонжон Раҳимжонов
19. Мустафокул Меликзода
20. Абдурахмон Раҳматуллаев
21. Лутфулло Нодиров
22. Исмоил Райҳонов
23. Аҳмаджон Исмоилов
24. Назарқосим Нурмонов
25. Тошболта Чориев
26. Аҳмаджон Саидов
27. Сулаймон қори
28. Абдуқаҳҳор Фаффоров
29. Шаҳобиддин қори
30. Салоҳиддин қори Муҳиддинов
31. Асроркул Мавлонкулов
32. Отакул Мавлонкулов
33. Ҳожимурод Филмонов
34. Орифжон Йўлдошев
35. Нодирхон Аловуддинов
36. Сирожиддин Зиёвиддинов
37. Раҳматулла Обидов
38. Абдуқодир Каттабеков
39. Абдулла Ҳамдамов
40. Холмуҳаммад Солиҳов
41. Ҳабибуллоҳ Исаев
42. Исҳоқ маҳдум Саттиев
43. Яҳё қори Турдиев
44. Муҳаммадшариф Тўғонбоев
45. Камолиддин Шобдон ўғли
46. Баширхон Исҳоқий ва ҳоказо.

Шунингдек, Мулла Мунириддин, Мулла Нофё домла, Абдурахмон Абдурахимов, Пўлатжон Абдурахимов, Садриддин қори, Самеъиддин Муҳаммаджон ўғли, Шафоат ҳожи Холиқназар ўғли, Лукмон Жўлдибой ўғли ва бошқалар идорада кўп йиллар самарали ишлагани.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Ди-

ния назорати дастлабки фаолиятини Эшон Бобоҳоннинг шахсий ҳовлиларида бошлаган эди. Кейинроқ бу зотнинг ташаббуслари билан машҳур Бароқхон мадрасаси таъмирланиб, бошқарма қароргоҳига айлантирилди ва ҳозиргача шу бинода ишлаб келяпти.

Бароқхон (вафоти 1556) шайбонийлар сулоласидан Абулхайрхоннинг невараси, Тошкент хони Суюнчиҳўжанинг кичик ўғли. Отасининг вафотидан кейин Тошкент, сўнгра Мовароуннаҳр хони бўлган. У кўпгина ободончилик ишлари ўтказган, мадрасалар қурдирган. Бароқхон мадрасаси XV — XVI асрларда қурилган иморатлардан ташкил топган. У 1955 — 1963 йилларда Уста Ширин Муродов иштирокида таъмирланган.

БИРИНЧИ МУФТИЙ

Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон



Хижрий 1276 йили (милодий 1860) Тошкентда диндор оилادا таваллуд топганлар. Оталари Абдулмажидхон Эшон таниқти олим, машҳур “Мўйи Муборак” мадрасаси мударрисси, боболари Юнусхон ибн

Аййубхон мударрис ва шайхулислом бўлишган. Бошланғич таълимни уйда олган Эшон Бобоҳон Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида машҳур устозлардан, хусусан, Домла Икромчадан таҳсил олдилар. Ноёб ақл-заковат соҳиби бўлган Эшон Бобоҳон умр бўйи илм талабида бўлиб, тафсир, ҳадис, ақоид, фикҳ билимдони бўлиб етишдилар. Бир неча йиллар “Мўйи Муборак” жомеъида имом-хатиб ва мударрис бўлдилар. Дунёнинг кўп қисмида тарқалган наҷшбандиййа тариқатининг намоендalarидан эди лар.

1943 йили ташкил этилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг ягона диний бошқармасининг илк раиси, муфтий. Муфтийлик даврларида ҳажга ижозат тегди. “Мир Араб” мадрасаси қайтадан фаолият бошлади, масжидлар ҳақида низом ишлаб чиқилди, бошқарма кутубхонасига асос солинди, халқаро алоқалар кенгайди. 1957 йили Тошкентда вафот қилганлар. Абу Бакр Қафқол Шоший қабрлари ёнига дафн этилганлар.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Брунейда Рамазонга ҳозирлик

Бруней султонлиги телерадиокомпанияси хабар беришича, Рамазон ойида мамлакатда 108 тонна хурмо бепул тарқатилади. Ёшидан қатъи назар, ҳар бир мусулмон Бруней султони ҳожи Ҳасан ал-Балкиахнинг шахсий ҳадяси — “Ал-Мадина ал-Мунаввара Датес” ширкати қадоклаган (300 гр.) хурмодан олади.

Бундай эҳсон тури султонликда 1992 йилдан буён жорийдир. Авваллари бу ишни таълим вазирлиги амалга оширар эди, 1995 йилдан буён хурмо тарқатиш билан Дато Аванг ҳожи Абдулло Ғани бошлиқ султон Ҳасан ал-Балкиах жамғармаси шуғулланмоқда.

[www. Islam. ru](http://www.Islam.ru)

Янги исломий марказ

Британиянинг Конвентри графлигидаги Фулсхилл шаҳри мунисипалитети мусулмонларнинг оилавий-маърифий марказини қуришга қарор қилди. Маълумки, аввалроқ бу марказни шаҳарнинг энг гавжум ва қўркам жойига қуриш режаланган, аммо баъзи фуқаролар бундан норози бўлишган эди. Қурилиш мўжалланган бу ҳудуд энди шаҳар маъмурияти ихтиёрига ўтди. Ташаббускор гуруҳ аъзолари эса ерни сотиб олиш ниятидалар.



“ic. Coventr.”

Телефон орқали азон

Бирлашган Араб Амирликларида яшовчи мусулмонлар энди қаерда бўлишмасин, намоз вақти кирганидан дарров хабар топишади. Уяли телефонлар тармоғи орқали муаззиннинг намозга айтган азони узатиладиган бўлди.

БАА Яқин Шарқ мамлакатлари орасида уяли

алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сони бўйича биринчи ўриндадир. Etisilat давлат телекоммуникатсия компанияси маълумотларига кўра, ҳозирда мамлакатнинг 2,7 милёнли аҳолисининг 75 фоизи кўчма телефондан фойдаланади.



Намозхонлар учун яратилган бу қулайлик қўл телефон эгаларига мақбул тушиши аниқ. Азонни телефон орқали узатишни яқин орада Форс кўрғазидидаги бошқа мамлакатларда ҳам йўлга қўйиш мўлжалланган.

BBC

Жанубий Африқода Ислом коллежлари

Жанубий Африқо Республикаси Ислом қонунчилиги кенгаши раисининг ўринбосари Эҳсон Хендрикснинг айтишича, кейинги йилларда Ҳиндистон, Покистон ва Яқин Шарқнинг айрим мамлакатларидаги диний ўқув юртларида таълим олишни хоҳловчилар учун виза талаблари кучайтириб юборилди. Шу боис ЖАР ва қўшни мамлакатлар мусулмонлари учун бу мамлакатда бир неча Ислом коллежлари ташкил этиляпти. ЖАРдаги 45 милёнли аҳолидан 650 минг нафари мусулмонлардир. Мамлакатдаги кўплаб Ислом мактаблари асосан пойтахт Кейптаунда, қолганлари шарқий соҳилдаги Йоханнесбург, Дурбан шаҳарларида жойлашган.

“Франс-пресс”

Исломий банк биноси топилди

Яқинда Свердловск ва Челябинск вилоятлари бўйлаб илмий сафардан қайтган қозонлик тарихчилар шов-шувли бир хабар тарқатишди. Улар Троицк шаҳрида савдогар Ҳураевга тегишли бўлган (XIX аср) исломий банк биносини топишди. Бино мусулмон меъморлиги обидаси сифатида қозонликларни лол қолдирмоқда. Энг ҳайратланарлиси шуки, бу банк анча катта майдонни — бутун бир даҳа ҳудудини эгаллаган.

Олимларнинг фикрича, бу ўлкаларда мусулмон меъморлиги ёдгорликлари аста-секин емирилиб боряпти. Шаҳар мусулмонлар жамоаси омон қолган оз сонли обидалардан бирини — шайх Зайнулла

Расулнинг мақбарасини авайлаб асрамоқда. Та-ассуфки, шайх қурдирган масжид ва мадраса со-ветлар даврида бузиб ташланган эди. Умуман бу-гунги кунда шаҳардаги еттита масжиддан бешта-си омон қолган бўлса, булардан иккитасигина фа-олият юритмоқда.

[www. Islam.ru](http://www.Islam.ru)

“Баракат” ёшлар кулуби

Московдаги мусул-мон ёшларнинг “Бара-кат” кулубида навбатда-ги тадбирлар ўтказил-ди. Жумладан, бу ерда турли танловлар, она тили билимдонлиги викторинаси ва миллий таом-лар тайёрлашни ўргатиш бўйича машғулотлар уюштирилди. Клуб аъзолари Масковдаги татарлар миллий-маданий мухторияти ва “Таълим дунёси” илмий-маърифий жамиятининг таълим лойиҳаси ҳақида батафсил маълумотга эга бўладилар. Тад-бирларга диний аҳкомларга риоя қилувчилар, шу-нингдек, бундай покиза ҳаётга интилаётган йигит-қизлар таклиф этилаётир.

www. Islam.ru

Илмсиз ривожланиш бўлмайди

Малайзия Бош вази-ри ўринбосари Датук Сери Абдуллоҳ Аҳмад Бадавий Исломи санъати музейида хаттотлар тан-ловини очаркан, мусул-монларни исломий илм-ларни эгаллашда янада кенгроқ имкониятлардан фойдаланишга чақирди.

“Фарзларни билиш жуда ҳам муҳим, аммо риёзиёт, фалакшунослик, ахборот технологиялари, ЭҲМ ва бошқа илмларни ҳам чуқур билиш керак”, деди у.

Оилани ривожлантириш ва аёллар иши бўйича вазир Шаҳризод Абдулжалил ўз нутқида бу фикр-ни давом эттириб, исломий тараққиёт асосида илмга интилиш ётади, деб таъкидлади. “Пайғам-баримиз Муҳаммад, алайҳиссалом, ҳатто узок юртларга бориб, бешиқдан қабргача илм излашни буюрганлар”, деди вазир. Мамлакат ҳукумати му-сулмонларнинг малай тилидан ташқари инглиз ва араб тилларини яхши ўрганишларини ҳам рағбат-лантиради, деди у.

The Star

Баҳрайн ҳамкорликка чақиради

Баҳрайн қироли Ҳамад ибн Исо ал-Халифа раҳ-намолигида сентабр охирида Ислондаги турли маз-ҳаб ва оқимлар бирдамлигини мустаҳкамлаш бўйи-ча йиғин бўлди. Ислон ишлари бўйича вазир шайх Абдуллоҳ ибн Халил ал-Халифанинг айтишича, “Миллатлар дўстлиги” шиори остида ўтган анжу-манга тўрт сунний мазҳаб ҳамда шиалар, зайдий-лар ва ибодийларнинг вакиллари қатнашдилар.

Анжуманда таниқли олимлар, жумладан, “Ал-Азҳар” имоми шайх Муҳаммад Саид Тантовий иш-тирок этди. Улар ҳозирги кескин шароитда мусул-монлар бирдамлигини мустаҳкамлаш, тушунмовчи-ликларни бартараф этиш, мазҳаблар ва оқимлар ўртасида дўстларча муносабатни тиклаш каби дол-зарб масалаларни муҳокама қилишди.

The Gulf News

Нобел мукофотига тавсия

Ахборот идоралари-нинг Шимолий Амриқо Ислон жамиятига суяниб хабар беришларича, “Ин-сон” номли ҳинд маъри-фий-инсонпарварлик миссияси ташкилотчиси ва директори Саид Ҳасан тинчлик соҳасидаги Но-бел мукофотига тавсия этилган. Ҳинд мусулмон-ларининг йўлбошчиси бўлган Саид Ҳасан “умри-нинг олтмиш йилини ночор оилаларнинг аҳволини яхшилаш ишларига бағишлаган”.

Islam Onlione хабарига кўра, мактаб ва коллежни бирлаштирган “Инсон” ташкилоти қирқ йилдан буён инсонпарварлик ёрдами ва ижтимоий кўмак иш-лари билан шуғулланади. “Касалхонанинг қон юқи чойшабларини ювиш, қашшоқ ва мискинлар заҳ-матини енгиллаштириш, муҳтожларга ҳамиша ёрдам кўрсатиш каби ижтимоий етишмовчилик-ларга қарши курашда у олдинги сафларда бўлди, деб ёзади Islam Onlione. — Саид Ҳасан фидойи-лик билан жамиятга қилган хизматлари туфайли ҳақли равишда замонамизнинг буюк инсонпарвар кишиларидан бири ҳисобланади”.

Ҳасан Жанубий Иллинойс дорилфунуни ма-гистрлиги ва докторлигини тугатган. У 36 шогир-ди билан “Инсон” миссиясини тузган эди, ҳозир унинг сафларида минглаб кишилар бирлашган. Саид Ҳасан умр бўйи тақводор мусулмон бўлган ва унинг ҳаракатлари самараси эътиқодда со-битлиги туфайлидир, деб ёзилади хабарда.

Islam Onlione

Муфтий Зиёуддинхон ибн ЭШОН БОБОХОН

ШАРАФЛИ РАМАЗОН ХОСИЯТЛАРИ

Идоранинг 60 йиллиги тўйи муносабати билан улуғларимизни бир-бир эслаётган экинмиз, узок йиллар мўмин-мусулмонларга бош бўлиб хизмат қилган Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларининг 1977 йили «Тилла шайх» масжидида қилган ваъзлари матнини эълол этишни лозим кўрдик.

Зотан, бир кишини яхши танитмоқ ва танимоқ истасангиз, қилган ишларига боқинг, деган қоидага энг уйғун услуб шудир.



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Ҳурматли аҳли Ислон, биродарони киром!

Эсингизда бўлса, Рамазон ойининг биринчи жумъасида биз бу шарафли ойнинг хосиятлари ҳақида Куръони каримда нималар дейилгани ҳақида гаплашган эдик.

Биродарлар! Шу нарса маълумки, Ислонгача бўлган бошқа диний қавмлар ҳам рўза тутишган. Лекин улар Аллоҳнинг буйруқларини ўзларича ўзгартириб олганлар: Агар рўза вақти жуда иссиққа тўғри келса, уни сал салқин вақтга кўчиришган, 30 кун ўрнига 40 кун ёки ундан кўпроқ рўза тутишган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, бидъат ва Аллоҳнинг амридан чекинишдир. Лекин биз, Яратганга шуқрлар бўлсинким, Унинг барча кўрсатмаларини, фарзларини ўз вақтида ихлос ила бажариб келмоқдамиз.

Нима учун биз муборак рўзани алоҳида эҳтиром билан тутамиз? Чунки Буюк Яратган бир ой давомида шунчаки рўза тутишни эмас, балки ана шу давр мобайнида ейиш-ичишимизда арзимас бўлиб кўринса ҳам ҳаромдан, ёмон ҳаракатлардан сақланишни буюради. Бу Аллоҳ томо-

нидан биз учун фарз қилинган шарафли синов бўлиб, бу билан 30 кун давомида ўзимизни нисбатан тийиш билан Унга бўлган ишончимиз ва эътиқодимиз қанчалик мустаҳкамлиги ёки шайтон бизни йўлдан уриб унинг васвасасига берилиб гуноҳга ботадими, деб синаламиз. Ҳаммамиз бир хил вақтда сахарлик қилишимиз, белгиланган вақтда ифторлик қилишимиз, тақиқланган озуқа ва амаллардан сақланишимиз, ҳар қандай мойилликларга эътибор бермаслигимиз билан биз Аллоҳ амрини аниқ ва рисоладагидек бажарган бўламиз.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, таъкидлаганларидек, Қудратли Аллоҳ бандаларига барча нарсени уларнинг қилмишларига яраша беради. Муаккал фаришталар барча амалларимизни қатъий ҳисобга олиб борадилар, ҳар бир киши ўз қилмишига яраша мукофот ёки жазо олади. Шундай бўлса ҳам, Аллоҳ таоло кимки Унинг йўлида рўза тутса, бунинг савобини ҳам Ўзи бевосита беришни ваъда қилади. Мана шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз Расули Акрам ўта қатъиятлик билан бизни шу нарсага ўргатадиларки, рўза жараёнида олоб-ах-

лоқ чегарасидан чиқмасликка, оилада, дўстлар ва танишлар давраида номақбул хатти-ҳаракатлардан сақланишга алоҳида эътибор бериш керак. Рўзадор ҳақиқий мусулмон, ўзини худди ҳаж ибодатларини бажараётгандек ҳис қилиши, ман этилган вақтларда беҳуда, уят, фаҳш гапларни гапиришдан, шаҳвоний ҳаракатлардан сақланиши, шарият томонидан тақиқланган амаллар ва гаплардан фориғ бўлиши, ва яна, энг аввало, яқинлари, қариндошлари, дўстлари, тасо-дифий йўлиққан одамлар билан жанжанлашишдан эҳтиёт бўлиши билан белгиланади. Пайғамбаримиз ҳаммамизни рўза вақтида нисбатан вазмин, ширинсўзлик ва мулоиймлиқ билан муносабатда бўлишга, бировни таҳқирламасликка чақирадилар, чунки рўза вақтида рўзадорлар одатдагидан толиққанроқ, қизикқонроқ бўладилар, баланд ва буйруқомузлик билан гапириш уларни безовта қилиши ва низолашувга олиб келиши мумкин. Агар кимдир сизни таҳқирласа, сиз билан жанжаллашмоқчи бўлса, сиз у билан жанжаллашманг, “мен рўзадорман, унинг ҳурматини хор қилолмайман” деб айтинг. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бизга шундай васият қилганлар. Лекин, афеуски, орамизда шундай одамлар борки, улар учун ҳеч қандай қонун йўқдек. Моҳи Рамазони шариф бошланганлигини унутиб, беҳаё гаплар гапиришади, бекордан-бекор жанжаллашишади, сўкинишади. Бундай одамлар рўзасини Пайғамбаримиз айтганларидек, Аллоҳ қабул қилмайди, ҳаттоки ўша одам иштаҳасини тийса ҳам, чунки у нафсини тийма-

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ЙИЛНОМАСИ

ган бўлади. Демак, хулқ-атвори-миз мезони ўта қатъий бўлишига қарамай, жуда оддий ва тушунарлидир. Рўздор шахс ҳамма жойда — ўз уйида, меҳмонда ўзини тута билиши, аёлларга ҳирс назари билан қарамаслиги, бекорчи суҳбатларга аралашмаслиги, умуман барча салбий амаллардан ўзини тия олиши керак. Ҳақоратлардан нафақат тилини асраши керак, балки ундай гапларни эшитмаслиги ҳам керак. Баъзи суҳбатларда гийбат, тухмат, ёлгон-яшиқ гаплар гапирилса ҳам, айримлар бу ерда “сабрли” тингловчига айланиб, қон томирларини ҳаромга мослаштирадилар. Агар сиз шундай “суҳбат”ларни тўхтата олмасангиз, у ердан кетинг. Ҳақиқий мусулмон бундай амаллардан гуноҳдан кўрққанидек сақланиши керак.

Рўза бизга Пайгамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Маккадан Мадинага кўчганларининг иккинчи йилида фарз қилинган. Ўша дамлардан бошлаб Пайгамбаримиз ва ул зотнинг умматлари рўза тутишни бошладилар. Ўшандан буён ўтган йиллар давомида бутун дунё мусулмонлари, Аллоҳга шукрлар бўлсинким, Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, таълимларига мувофиқ рўза тутиб келмоқдалар.

Муҳтарам мусулмонлар, азиз биродарлар! Ҳозир биз моҳи Рамазони шарифни ўтаяпмиз. бу ойнинг биринчи ўн куни Аллоҳнинг раҳмати ёғиладиган кунлар, кейинги ўн кунлик гуноҳларни кечириб кунлари, охириги ўн кунлик Буюк Тангри ўз қудрати билан гуноҳқорларни дўзах азобларидан қутқарадиган кунлардир.

Мана шундай муборак ойда яшайпмиз, азиз биродарлар. Аллоҳ таоло барчамизга бу улуг ойда раҳмати, мағфирати ва марҳаматларини нозил этсин, омин!

Шамсуддин Бобохоновнинг «Шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон» китобидан тахрирсиз, бир оз қисқартириб олинди. Тошкент, 2001 й, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» нашриёти.

1993 йил сентябр. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тантаналари ўтказилди.

1993 йил ўктябр. Самарқанд шаҳрида “Имом Бухорий ҳаёти ва у яшаган давр” мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Анжуман кунларида Самарқанд вилояти ҳокимлиги Оксфорд исломшунослик маркази билан ҳамкорликда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини қайта тиклаш бўйича энг яхши лойиҳалар танловини ўтказди.

1997 йил ўктябр. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналари кенг нишонланди.

1998 йил сентябр. Тошкентда муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари таваллудига 90 йил тўлиши муносабати билан илмий-амалий анжуман ўтказилди.

1998 йил ўктябр. Самарқандда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланиб илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

1998 йил ўктябр. Буюк қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан илмий-амалий анжуман ўтказилди.

1999 йил. Тошкентда Ислом университети ташкил этилди.

1999 йил нўябр. Тошкентда “Имом Мотурудий мероси ва

унинг Марказий Осиё халқлари маданиятида тугган ўрни” мавзуида халқаро илмий анжуман бўлди.

2000 йил июн. Ўзбекистон мусулмонлари вакиллари Австрияда бўлиб ўтган “Марказий Осиё ва Ислом” халқаро анжуманида иштирок этди.

2000 йил сентябр. Тошкентда “Динлараро мулоқот” конгресси мажлиси бўлиб ўтди.

2000 йил ноябр. Ўзбекистонда буюк алломалар Имом Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллиги ва Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги кенг нишонланди. Ана шу саналарга бағишлаб Самарқанд ва Марғилонда халқаро конференсалар ўтказилди.

2001 йил апрелда Амриқо Олий Ислом кенгаши раиси Муҳаммад Ҳишом ал-Қаббоний, Америкадаги Нақшбандия тариқатининг пири-муршиди аллома Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний идора меҳмони бўлди.

2002 йил июн. Самарқандда “Ислом ва дунёвий-маърифий давлат” мавзуида халқаро илмий-назарий анжуман бўлди.

2003 йил. Нақшбандийлик тариқатининг улуг пири-муршиди Абдуҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланди.





1943 йил Совет Иттифоқи Олий Совети президиумининг 55-сон рухсатномасига асосан ташкил этилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг

диния назорати ўша йиллардаёқ ўз фаолиятдан мусулмонларни хабардор қилиш мақсадида “Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари” журналини чоп эта бошлади.

Бугунги ўқувчиларимизга мазмуни қизиқарли бўлар деган ниятда унинг 1946 йилда босилган 3—4-сонларини варақлаб чиқдик.

Журналнинг бу сонлари бир муқова ичида берилган. Ундаги мақолалар, минтақа мусулмонларининг тил хусусиятлари эътибори билан, ўзбек, тожик ва қозоқ тилларида босилган.

Журналнинг иккинчи саҳифасини мақолалар мундарижаси эгаллаган.

3-саҳифада муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг биринчи пленуми қатнашчиларининг суратлари чоп этилган. Мазкур суратда Луқмон Жўлдибой ўғли, қози Зиёуддин Бобохон ўғли, қози Абдулғаффор Шамсуддинов, қози Олимхонтура Шокирхўжа ўғли, тафтиш ҳайъати аъзоси Шокир қори Хиёлиддинов, қози Муҳаммадшариф Туғонбоев, қози Муродхўжа Солиххўжа ўғли, қози Камоллиддин Шобдон ўғли, қози мулла Солих Бобокалоний, тафтиш ҳайъати аъзоси Муҳаммаджон ўғли Самоуддин, қози Баширхон Исҳоқий, қози Кина Эшон Назар Эшон ўғли, тафтиш ҳайъати аъзоси шайх Сисомбой ўғли, тафтиш ҳайъати раиси Шафоатхोजи Холиқназар ўғли акс этганлар.

Журналнинг 4-саҳифасида Ол-и Имрон сурасининг 19-ояти ва унинг мазмуни, имон таърифи ва тавҳид калимаси таржимаси билан берилган.

5-6-7-саҳифаларида Сталиннинг Германия ва Япония урушида қозонилган ғалаба муносабати билан халққа мурожаати чоп этилган.

8-саҳифасида муфтий Эшон Бобохоннинг Маккаи мукаррамадаги Ҳарам Шариф имоми

УЧ ТИЛДА БОСИЛГАН ЖУРНАЛ



шайх Абу Солих ҳазратларига мактуби араб тилида босилган.

9-10-11-13-саҳифаларида таҳрир ҳайъатининг “Улуғ тарихий ғалаба”, “Генерал Собир Раҳим ўғли” мақолалари берилган. Кейинги мақолада генерал Собир Раҳим ўғлининг 1928 йилда Жунайдхон, Хўжамқул Умар Афанди, Машшоқ Фарфи ва Иброҳимбекларга қарши кураши, ватан урушидаги хизматлари баён этилган.

Журналнинг 13-14 ва 15-саҳифаларида қози Зиёуддинхон ибн муфтий Эшон Бобохоннинг “Доктор Хаюлит Жонсуннинг Совет Иттифоқига келиши” сарлавҳаси остидаги мақоласи босилган. Муаллиф мақолада меҳмоннинг бутун сафари ҳақида маълумот беради. 16-17-саҳифаларида хатиб Ҳабибур Раҳмон Файзий ва Ҳожид Акбархоннинг “Ватан олдида руҳонийларимиз вазифаси” мақоласи ўзбек ва тожик тилларида, Қозоғистон қозиси Абдулғаффор Шамсуддиновнинг “Қозоғистон мусулмонларининг ватанпарварлик истари” мақоласи қозоқ тилида нашр этилган.

Журналнинг 18-19-20-саҳифаларида 1943 йил 18 ўктябрда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмон руҳонийлар ва диндор намоёндаларининг қурултойида тасдиқ ва қабул қилинган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диния назоратининг Устави (низом) ўрин олган. 21-22-саҳифаларида муфтий Эшон Бобохоннинг “Қурбонлик”. “Эҳтиёти пешинни тарк этиш” ҳақидаги мақолалари берилган. Муаллиф Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати ўзининг 6-сонли қарори билан эҳтиёти пешин ўқиш мумкин эмаслигини таъкидлаганини ёзади. 23-саҳифасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратининг илмий шўъбаси билан бирга закот нисоби ва садақаи фитр миқдори ҳақидаги 1945 йил 23 август 24-сонли қарори ҳақидаги мақола босилган. 24-саҳифада муфтий Эшон Бобохон Абдулмажидхон ўғлининг “Закот, ушр ва садақаи фитрлар” номли мақоласи ва Тошкент ва Бухоро шаҳарларида диний мадраса очиш ҳақидаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг 12-сонли қароридан кўчирма эълон қилинган.

25-саҳифасида қози Муродхўжа Солиҳийнинг “Ўтган йилги ҳаж сафари” номли мақоласи берилган. Унда муаллиф Қорақалпоғистондан имом ва хатиб мулла Янгибой Абулхайр ўғли, Наманган шаҳридан Исмоил маҳдум Саттихон Охун ўғли, Хўжанд шаҳридан имом ва хатиб Абдулмажид қози Юсуфхожи ўғли, Қозоғистондан муаллим Абдулборий Абдусобир ўғли ва Мухаммад Али Муъин билан бирга ўзининг 1945 йилда ҳаж фаризасини адо этиб қайтгани хусусида ёзади.

26-саҳифада берилган “Шоҳи зинда исмида машҳур Қусам ибн Аббос ҳазратларининг таржимаи ҳоллари” мақоласи ҳам қози Муродхўжа Солиҳий қаламига оиддир.

27-28-саҳифаларида “Диний тақвим ҳақида” мақоласи чоп этилган. Унда муаллиф Абдугаффор Шамсуддинов Олимхон тўра Шокировнинг 1943 йил қурултойида тақвим тузиш ташаббуси билан чиққани ва 1944 йилдан бошлаб тақвим чиқарилгани, 1945 йил чиқарилган тақвимдаги ой бошлари Уфа марказий диния нazorати нашр этган тақвимдаги ой бошларидан бир кун фарқ қилиши ва бунинг илмий ва воқеъий асосларга зид эмаслиги хусусида ёзади.

29-30-саҳифаларда 1945 йил 22 сентябрда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния нazorатининг биринчи Пленуми мажлиси ҳисоботи тўла ёритилган.

31-32-саҳифаларида хатиб Мухаммадамин Охуннинг жума намозида қўйилган шарт хусусидаги саволига жавоб берилган. Савол-жавоб тожик тилида ёзилган. 32-саҳифа сўнгида диния нazorати нашриёти чоп этажак нашрлар ҳақида билдириш берилиб, уламолар ва қаламқашлардан журналга мақолалар ёзиб, унда иштирок этишлари сўралганини кўрамыз.

Мухаммад ШАРИФ ЖУМАН



ИККИНЧИ МУФТИЙ

*Зиёуддинхон
ибн Эшон Бобохон*



1908 йили Тошкентда, ўз даврининг улуг алломаси Эшон Бобохон хонадонидан таваллуд топганлар. Ўша пайтда анча машҳур бўлган Ҳаким қори домла, Баҳодирхон маҳдум, Шайх Алоуддин, Жамол ҳожи каби устозлардан сабоқ олганлар, ўн икки ёшда Куръони каримни тўла хатм қилиб, ҳофизул-Куръон бўлдилар. 1920 йили Тошкентдаги “Кўкалош” мадрасасига ўқишга кириб, ўша пайтда Тошкентга келган суриялик илоҳиёт олими аш-Шомий ат-Тараблусийдан ҳадис, фикҳ илмини ўргандилар. 1943 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния нazorати ташкил этилиб, Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон масъул котиб ва Ўзбекистон қозиси бўлдилар. 1947-1948 йилларда Қоҳирадаги “Ал-Азҳар” дорилфунунида, сўнгра Макка, Мадина шаҳарларида таҳсил олиб, ҳадисдан билимларини чуқурлаштирдилар. 1948 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния нazorати раиси ўринбосари этиб сайландилар. Оталари вафотидан сўнг, яъни, 1957 йили раисликка сайланиб, умрларининг охирига (1982 йил) қадар ана шу вазифада самарали ишладилар.

Муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон даврларида дин раванқи йўлида катта ишлар қилинди, Куръони карим, бошқа кўплаб китоб ва дарсликлар чоп этилди, Тошкент Ислоҳ маъҳади очилди, мусулмонлар учун тақвим, журнал нашр этиш қайта йўлга қўйилди, халқаро алоқалар мустаҳкамланди. У кўплаб халқаро ташкилотларнинг аъзоси эди, Собиқ СССР, Ўрдун, Марокаш, Лубнон каби мамлакатларнинг мукофотлари билан тақдирланганлар.

Қабрлари оталарининг қабри ёнида.

УЧИНЧИ МУФТИЙ

*Шамсуддинхон
Зиёуддинхон ўғли Бобохонов*

1937 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1959 йили Тошкент чет тиллар институтининг инглиз тили факултетини тамомлаган. 1962-1966 йилларда Қоҳирадаги “Ал-Азҳар” дорилфунунида таҳсил олган. 1973 йили Масковда араб филологияси бўйичи номзодлик илмий ишини ёқлаган. 1975-1982 йилларда Имом ал-Бухорий номли Тошкент Олий Ислоҳ маъҳадига ректор бўлди. 1982-1989 йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий, 1989-1994 йилларда шарқшунослик институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1994 йилдан 2001 йилгача дипломатия соҳасида хизматда бўлди. Ўрдун Қиролик академиясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро Ибн Сино мукофоти соҳиби.

2003 йилда Тошкентда вафот этди.





ДУНЁ КЕЗГАН ОЛИМ

Абдулгани аканинг ёшлиги динга, миллий урф-одатлар ва қадриятларга қарши аёвсиз кураш авж олган даврга тўғри келди. Дин пешволарининг бирортаси омон қолмади: отилди, қатағон қилинди, сургунга жўнатилди, қамалди. Араб ҳарфидаги ҳар қандай адабиёт ёқилди, оқизилди, кўмиб ташланди. Охир-оқибат аҳвол шу даражага етдики, кийиниши миллий бўлса, оврупаликларга тақлид қилмаса ёки сўзлашганида диний иборалар ишлатса, жамият учун ёт киши саналадиган бўлиб қолди.

Абдулгани ака Тошкент педагогика институти тарих факултетини ҳам битирган эди. Ўқишни энди бошлаган кезлари миллати яхудий бўлган катта бир тарихчи олим Абдулгани акани ҳузурига чорлаб. Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Замахшарий каби олимлар тўғрисида савол берган экан. Абдулгани аканинг жавобидан қаноат ҳосил қилмабди-да: “Бу гапларни ўзим ҳам биламан. Сиздан бошқача жавоб кутган эдим. Сизнинг ўзбеклигингиз қаерга борди”, дебди. Бу суҳбат Абдулгани ака ҳаётида катта бурилиш ясади, шу кундан бошлаб она замин тарихини ўрганишда кечаю кундуз меҳнат қилди. Институтни тугатар экан, ўша домла билан яна бир бор суҳбатдош бўлганида у: “Ана энди бошқа гап”, деб тан берган экан.

Абдулгани Абдуллоҳ (1928-1999) дунё кезган олим эди. У кишининг ўзлари “Мен кўрмаган Чину Япон давлати қолди, холос”, дегувчи эдилар. Қайси мамлакатга борсалар, ўша давлат раҳбарлари у кишини суҳбатга чорлар эди. Миср президентлари — Жамол Абдул Носир, Анвар Саодат, Ҳусни Муборак, Сурия президенти Ҳофиз Асад, Саудия қироли Сауд, Файсал, Халид ва Фаҳд, Иордания қироли Ҳусайн ибн Талол, Марокаш қироли Ҳасан II, Афғонистон қироли Муҳаммад Зоҳиршоҳ, Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо, шунингдек, Жазоир, Яман, Ҳиндистон, Покистон раҳбарлари шулар жумласидандир.

...Бирда Абдулгани ака Япониянинг Ўзбекистондаги элчисини илтимосига биноан қабул қилди. Мулоқот рус ва инглиз тилларида давом этарди. Таржимон ёш йигит бўлиб, ийманибгина таржима қиларди. Абдулгани ака мулоқотнинг бошидаёқ унга синчковлик билан қараб: «Нега баъзи жумлаларни тўлиқ таржима қилмаяпсиз?» деб сўрадилар. У торганибгина: «Диний ибораларни топиб олишда қийналяпман», деди. «Шошмай таржима қилаверинг», деб ҳар бир сўзни дона-дона талаффуз қила бошладилар.

Йигитча барибир кўнгиллидагидек ўтирмади

шекилли, Абдулгани аканинг ўзлари инглизча гапириб юбордилар. Элчининг кўзи чақнаб кетди, жойидан бир қалқиб, ўриндиқни яқинроқ суриб олди. Учрашув режадагидан анча чўзилиб кетди, чунки элчи жаноблари Абдулгани акага нафақат



Ислом, балки бошқа динларга хос бўлган саволларни ҳам берди. Элчи кетишда автомашинага ўтириш олди: “Мен сиз ҳақингизда кўп илиқ гаплар эшитган эдим, лекин уларнинг бирортаси ҳам сизни тўлиқ тасвирлаб беролмаган экан”, деб тан олди.

...Бирда Абдулгани аканинг топшириғига биноан диний конфессиялар тўғрисида рус тилида маълумотнома тайёрлаб ҳузурларига кирдим. Ҳужжатни кўриб чиқиб, “яхши, яхши” дея қўлларига қалам, қоғоз олиб тўхтамасдан, худди бирор нарсадан кўчиргандек етти қоғоз матн ёзиб, буни ҳам кўшиб қўйинглар, дедилар.

У киши жумлаларни шундай текис ва чиройли тузган эдиларки, ҳузурларига қайтадан кирганимда: “Тақсир, рус тилига ҳам зўр экансизку”, деб ҳазиллашдим. Шунда у киши бир хўрсиниб: “Эҳ, Омонуллоҳ, йигирма бир йил “Совет Шарқи мусулмонлари” журналида бош муҳаррирлик қилган бўлсам, матнни аввал рус тилида ёзардик, Масковнинг текширувидан ўтиб, руҳсат олганимиздан кейингина ўзбек тилига ўтирдик”, дедилар.

Яна бирда юқори ташкилотга маълумотнома тайёрлаб, Абдулгани акага олиб кирдим. У киши ҳар бир қоғозга бир-бир кўз югуртириб олгач, бўлади, деб имзо чекдилар.

— Абдулгани ака, бу жиддий ҳужжат, яна бирорта хато ўтиб кетмадимкин, ўқимадингиз ҳам, — деб эътироз билдирдим.

У киши маълумотноманинг биринчи бетиде иккита, иккинчи ва учинчи варағида ҳам биттадан хатони кўрсатиб, шундай дедилар: “Дарров тўғрилаб, чиқариб юборинглар”.

Мен ҳайратдан қотиб қолган эдим. Хаёлимда Абдулгани ака ҳар қандай матнни бир қарашда ўқий олар, ундаги хато тушиб қолган ҳарфлар у кишидан хижолат чеккандек ўзларини билдириб қўйишар эди.

Омонуллоҳ МУТАЛ

Идора меҳмони бўлган хорижлик дин арбоблари ва атоқли уламолар

1. Сурия бош муфтийи шайх Абу Юср ал-Обидин.

2. Покистон “Жамоат ул-ислом” жамияти раиси Мавлоно ал-Бадаюнӣ.

3. Марокаш Ислом ишлари давлат вазири, “Истиқлол” партияси раиси доктор Аллал ал-Файсий.

4. Марокаш вақф ва дин ишлари вазири Аҳмад Баргаш.

5. Марокаш уламолари жамияти раиси Абдуллоҳ Каннун.

6. Тунисдаги ибн Халдун мадрасаси мудири шайх Муҳаммад ибн Араб ан-Набий.

7. Ҳиндистон муфтийи, Уламолар жамияти раиси шайх Атиқур-Раҳмон Усмоний.

8. Того президенти ҳузуридаги вазир Муҳаммад Хусайн.

9. Ливан бош муфтийи Ҳасан Холид.

10. Мисрдаги “Ал-Азҳар” университети бош шайхи доктор Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Фаҳҳом.

11. Сурия бош муфтийи Шайх Аҳмад Куфтору.

12. Туркия давлат вазири Лутфи Дўғон.

13. Яман бош муфтийи Аҳмад Забара.

14. Нигерия давлат вазири Саид Идрис Ҳорун.

15. Иордания бош қозиси шайх Абдуллоҳ Фўша.

16. Покистон Уламолар жамияти раиси, жаҳон қорилар уюшмаси бош котиби шайх Зоҳир Қосимий.

17. Миср мусулмон ёшлари уюшмаси президенти, давлат вазири доктор Тавфиқ ат-Таховий.

18. Афғонистон Уламолар жамоаси раиси доктор Муҳаммад Саид Афғоний.

19. Сурия Араб Республикаси вақф ишлари вазири доктор Муҳаммад ал-Хатиб.

20. Бутунжаҳон Ислом Конгресси Бош котиби доктор Иномуллоҳон.

21. Покистон президенти Муҳаммад Аййубхон.

22. Ҳиндистон Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри.

23. Индонезия президенти доктор Сукарно.

24. Бутунжаҳон Ислом Лигаси Бош котиби муовини Шайх Муҳаммад Сафват ас-Саққо ал-Аминий.

25. Амрико Олий Ислом кенгаши раиси Муҳаммад Ҳишом ал-Қаббоний.

26. Ливия бош муфтийи Муҳаммад ад-Диббоний.

27. Кения мусулмонлари раҳбари Али Сенда.

28. Париж (Франса)даги Ислом маркази раҳбари шайх Абу Бакр Ҳамза.

29. Амриқолик машҳур боксчи Муҳаммад Али.

30. Саудия Арабистонидаги Бутунжаҳон Ислом Робитаси раиси Абдуллоҳ Умар Насиф.

31. Эрон президенти Ҳошимий-Рафсанжоний.

32. Судан бош вазири Содиқ ал-Маҳдий.

33. Малайзия бош вазири Махатхир Муҳаммад.

34. Ироқ давлат арбоби Муҳаммад Асмор.

35. Ҳиндистон давлат арбоби, парламент аъзоси Сайфуддин Кичд.

ТҮРТИНЧИ МУФТИЙ

Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф

1952 йилда Андижон вилоятининг Булоқбоши қишлоғида туғилган. Ўрта мактабда ўқиш билан бирга отаси Муҳаммад Юсуф ҳожидан диний таълим олган. Бухородаги “Мир Араб” мадрасасини, Имом Бухорий номлидаги Ислом олий маъҳадини битирганидан сўнг бирмунча вақт “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали таҳририятида ишлаган. 1980 йили Ливиядаги “Ислом даъвати” олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугаллагач, идоранинг халқаро бўлимида, кейинчалик Ислом маъҳади мудири ноиби, 1983 йилдан эса мудир бўлиб хизмат қилди. 1989 йил баҳорида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг IV қурултойида диний идора раиси, муфтий этиб сайланди. Бу вазифада 1993 йилгача ишлади.

Бир неча халқаро Ислом ташкилотларининг аъзоси.



БЕШИНЧИ МУФТИЙ

Мухторжон
Абдуллоҳ Бухорий

1928 йилда Кўқон шаҳрида таваллуд топган. Бухородаги “Мир Араб”, Тошкентдаги Бароқхон мадрасаларида, Суриядаги Дамашқ дорулфунунининг шарият куллиясида таҳсил олган. 1958-1991 йилларда “Мир Араб” мадрасасида мударрис, бош мударрис, мудир вазифаларида ишлади. 1984-1988 йилларда Тошкент Ислом олий маъҳалида хорижлик талабаларга дарс берди. 1991-1993 йилларда Бухоро вилоятидаги “Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд” масжидида имом-хагиб. 1993-1997 йилларда Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раиси, муфтий бўлди, кейинчалик яна имомлик қилди.

2002 йилда вафот этди.



Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Яқин-яқингача совет мафкурачилари ўктабр тўнтаришидан аввал ўзбек халқининг атиги икки фоизи саводхон бўлган, холос, деган асоссиз, тухмат гапларни ёзишар эди. Тарихий далилларга муурожаат қилсак, бунинг аксини кўрамиз. 1821 йили Петербургда чиққан бир журнал 150 минг аҳоли яшаган Самарқандда 250 масжид ва 40 мадраса бўлганини хабар қилган. Бухорода эса 200 минг аҳолига 400 масжид ва 30 мадраса тўғри келган. “Қомус ул-аълум”да қайд этилишича, XIX асрда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 13 минг хонадон, 300 жомеъ масжиди, 188 мадраса ва 60 та ибтидоий мактаб бўлган. Мўътабар манбаларга кўра, 1894 йилда Туркистонда жами 6445 мактаб ва мадраса фаолият кўрсатган. Ушбу далиллар халқимиз ўтмишда нақадар маърифатли, саводхон, илм-фанга ташна бўлганини исботлаб турибди.

Фарғона водийида ҳам мактаб-маориф, илму

Абдулҳай ТУРСУНОВ,

*Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг
Наманган вилояти бош вакили*

НАМАНГАННИНГ МАДРАСАЛАРИ

ирфон ишлари юксак савияда бўлган. Русия элчиси ва сайёҳи Ф. Назаров ёзишича, XIX аср бошларида Қўқонда 400 га яқин масжид ва ўнлаб мадрасалар ишлаб турган. Биргина Умархон замонида хонлик ҳудудида 15 та янги мадраса барпо қилинган. Хонликка бўйсунган Наманганда 39 мадраса ишлаб, уларда 4300 талаба таҳсил кўрган. Бундан ташқари эликка яқин ҳофизул Қуръон тайёрлайдиган қорихоналар ҳам бўлган.

Наманган мадрасаларининг энг йирик ва салоҳиятлилари йигирмата бўлиб, улар “Мулла Бозор Охунд”, “Азизхўжа эшон”, “Баҳодирхон Эшон”, “Мадрасаи Бек”, “Исҳоқ Эшон”, “Мулла Қирғиз”, “Айритом”, “Мадрасаи Букайба”, “Мадрасаи Маржомо”, “Ҳазрати Хизр”, “Маҳдуми Эшон”, “Ҳазрати Авлиё домла”, “Сумалак гузари” ва бошқа мадрасалар эди.

Мадрасаларни бошқариш, ўқитиш жараёни ва ҳўжалик ишларига шайхулислом ва қозилар раҳбарлик қилишган. Ҳар бир мадрасада ҳўжалик ишларини юритувчи алоҳида мутавалли бўлган. У вақф ерлардан келган даромадларни, ушр, садақа ва эҳсонларни мадраса эҳтиёжларига тақсимлаб сарфлаган.

Мадрасалар хонликдаги давлат идоралари, бошқарув маҳкамалари, қозийёт, диний муассасалар



учун турли ходимлар, мактаб-мадрасалар учун муаллим-мударрислар, ижтимоий-сиёсий тузум ва унинг мафкурасига хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрлаб берган. Талабалар имтиҳон ёки танлов асосида ўқишга қабул қилинган. Мударрислар ҳам имтиҳон қилинган, хон ёки беклар томонидан тайинланган. Мударрислар дарсдан бўш пайтларида қозилик, муфтийлик каби давлат ишлари билан ҳам шуғулланиб туришган. Битирувчилар олган билимига ёки имтиҳон натижаларига қараб мударрис, масжид имоми ёки қози, муфтий, аълам, мирзо сифатида давлат маҳкамаларига юборилган.

Мадрасаларда ухровий (диний) билимлар берилган асосий эътибор қаратилган. Барча машғулотлар Қуръони карим ва Суннати набавийга асосида олиб борилган, араб тилининг сарф ва наҳви (грамматика ва синтаксиси) мукаммал ўргатилган. Фиқҳ ва ақоид асосий дарслардан бўлган. Бундан ташқари талабалар Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Ҳофиз, Сўфи Оллоҳёр, Фузулий, Бедил каби атоқли шоирларнинг асарларини кунт билан ўрганиб, ёд олишган.

Ўқув юртларида мантиқ, фалсафа, жуғрофия, алжабр ва ҳандаса, илми нуҷум каби дунёвий илмлардан ҳам сабоқ берилган. Талабалар юрт тарихини мустақил ўрганишган. Физика, табиийёт, кимё фанлари ўқитилмаган, аммо ўқувчиларга булардан мустақил таҳсил олиш тақиқланмаган.

Талабалар мадрасаларда уч босқичга бўлиб ўқитилган: адно (қўйи босқич)да бошланғич таълим — ўқиш-ёзиш, шариат илмлари ўргатилган, авсат (ўрта босқич)да тафсир, ҳадис, фиқҳ илмлари ўқитилган, аъло (юқори босқич)да эса ақоид, мантиқ, балоға, табиий фанлардан сабоқ берилган. Ҳар учала босқичда ўқиш уч-тўрт йил давом этган. Талабалар жамоаларга бўлиб ўқитилган, бир жамоада 5-15, баъзан 20 нафаргача талаба бўлган.

Мадрасатул-ибтидоийида бошлангич таълим берилган. Мадрасатус-санавийида ўрта босқич, мадрасатул-олийида эса юқори босқич талабалари ўқитилган. Мадрасатус-санавийида Ўрта Осиёда Самарқанд, Бухоро, Қўқонда кўп бўлган. Манбаларда замона дорилфунунлари мақомини олган мадрасаи олиййалар Бағдод, Шом, Басрада, Бухоро, Хива, Самарқанд каби катта шаҳарларда фаолият кўрсатгани, уларда энг иқтидорли талабалар таъсил олишгани ҳақида хабарлар бор.

Юртимиздаги мадрасаларда ўқув йили 120 кун давом этган. Ҳафтада тўрт кун машғулот ўтказилган, чоршанба, пайшанба кунлари талабалар мустақил шуғулланишган, жума кунни дам олинган. Рамазон ойида ўттиз кун, икки ҳайит кунларида икки ҳафта машғулот ўтказилмаган. Ёзги таътил май ойи охирида бошланиб, бугун ёз бўйи давом этган. Бу ойларда талабалар ўз уйларида ёхуд бошқа ерларда ишлаб, тирикчиликлари учун маблағ тўплашган.

Наманган мадрасаларидан ҳам ўнлаб зукко ва доно фозиллар, ухровий ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган уламои киромлар етишиб чиқди. Улар талабаларга Аллоҳнинг динини танитиш, илму ирфон тарқатиш, ахлоқ-одоб ўргатиш билан чекланмай, ўзлари ҳам зухду тақвода, парҳезкорликда, заковат ва фазлу камолда ибрат бўлишган.

Илму ирфон тарқатишда пешқадам бўлган табаррук устозлар, алломаи нуктадонлардан Мулла Бозор Охунд, Абдулазиз Мажзуб Намангоний, Саййид Иноятуллоҳ, Муҳаммадхон тўра ибн Меҳмонхон тўра, Авлиё домла, Мулла Сатти Охунд, Мавлоно Собитхон тўра, Файзхон тўра, Исҳоқхон Ибрат, Исмоил Махдум, Кароматхон эшон каби уламоларимизнинг халқни маърифатли қилиш, ҳидоятга чорлаш йўлидаги хизматлари таҳсинга лойиқ. Ана шу зотларнинг маноқиблари, илм-маърифат йўлидаги хайрли ишлари шогирдлар ва ворислар хотирига муҳрланган. Улар кўзини очган маърифат булоқлари бугунги кунда халқимизнинг ташна қалбини илму ирфон нури ила қондириб келяпти.



ИБРАТ МАКТАБИ

Бу фоний дунёда Аллоҳ таоло шундай мунаввар олим бандаларини яратганки, бундай зотлар билан олам музайян ва файзлидир. Ана шундай зотларнинг бири, шубҳасиз, муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларидир. Бу зотдаги илм, ҳилм, ниҳоятда дақиқ фаросат, имон-эътиқодга ҳарислик барча уламоларимиз, хусусан, ёшларимиз учун намунадир. Мен ҳам у зоти бобаракотни болалик чоғларимданок кўриб билганман. Сийратлари ҳам, суратлари ҳам жуда гўзал, ўта салобатли, ўткир нигоҳли олим эдилар. Ниҳоятда таъсирчан, илмий далиллар билан лиммо-лим ваъз-насиҳатларига самимий муҳаббат ва ҳурмат қўйган эдим.

Ҳозиргидек эсимда, етти ёшда эдим. Хонадонимизда эҳсон оши берилди. Маросимга муфтий ҳазратлари ташриф буюрдилар. Устоз олим ҳар галгидек ўта таъсирчан ваъз-насиҳатлар, керакли фатволарни баён қилиб бердилар. У давр шароитини билмайдиган ёшлар кўз олдига бугунгидек маросимлар келиши табиий. Аммо ўша пайтда одамларни дину диёнатга чақириш, ҳаётини ишларини Аллоҳ ва унинг Расули, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, буюрганидек ўтказишга даъват этиш, бу борада йўл-йўриқлар кўрсатиш мавжуд даҳрий тузум билан яккама-якка олишиш билан баровар эди. Бундай ишга ҳамма ҳам журъат этавермас, бунинг учун катта билим эгаси ва катта шахс бўлишнинг ўзи кифоя эмас эди. Бу чинакам қаҳрамонлик эди.


Диний идорамиз кутубхонаси энг нодир китоблар заҳирасига бойлиги билан бутун Ўрта Осиёга маълум. Бу жуда катта маънавий бойликнинг анчагина қисмини муфтий Зиёуддинхон ҳазратлари шахсий пулларига харид қилиб тўплаганларини кўпчилик билмас керак. Бу ерда бошқа ҳамма кутубхоналар йўқолиб кетгудек бўлса, ўшаларнинг ўрнини боса оладиган мислсиз бойлик тўпланган.

Мустабид совет замонида диний илм олиш қанчалик қийин бўлса, диний билим берувчиларга бундан ҳам оғир бўлган. Бугун барча зарур шарт-шароитларга эга толиби илмлар бошлангич савод чиқариш учун қўлланмаларни, Қуръони каримни нашр этиш нақадар мушкул иш бўлгани, бу йўлда кимлар жонбозлик қилганини билиб қўйсалар, зарар қилмайди. Муфтий ҳазрат чет эллик меҳмонларга тақдим этишни баҳона қилиб, ҳар йили керакли китобларни зарур миқдорда чоп қилишнинг уддасидан чиққанлар.

Муфтий Зиёуддинхондек беназир мураббий тўғрисида ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Ҳар гал янги бир хислатлари, фазилатлари ярқираб кўринаверади. Муфтий ҳазратнинг ибрат мактабидан ҳали кўп авлодлар сабоқ олгусидир, иншааллоҳ.



Анвар ҳожи ҚўЧҚОР ўғли,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби



Ҳаким САТТОРИЙ

ИСТИҒФОР

(Давоми. Бошланиши утган сонда)

Еттиги кун

5⁰⁰. Аллоҳ таоло олти кунда оламни яратди. Фалакни етти қаваат қилиб қўйди... Ана шундай мўътабар рақамларга етишдик.

Тунов рўзани ишхонада очиб, ифторликка ошхонага тушдим. Дилимга ҳамроҳ ёруғ туйғулар билан одамлар оқими-га қўшилдим. Мен шу кунларда уларнинг ҳалим, одобли, тартибли бўлиб қолганларини кўришни истардим. Ошхонада ўзимдек ифторликка кирган кўплаб одамларни учратарман, улар овқат олишга навбатга тургандир, деб ўйлаган эдим. Бироқ бундайлар кам экан, сезишимча, дўппи кийган икки оқсоч одам рўзадан сўнг тановул қилишяпти (улар энг пойгақда, эшикнинг олди-га ўтиришибди, аланг-жаланг қилиб овқатланишмоқда). Қолганлар эса бепарво, одатдаги турмуш тарзи давом этарди.

Менинг ҳолатим ҳеч кимга таъсир қилмади, аксинча, кас-сир хотин, “Мен сизни бекатда кўрдим”, деганим учун ачитиб олди: “Одамларни кузатиб юрар экансиз-да?” (Бу гапимнинг нимаси ёмон экан?)

Иштаҳа билан овқатландим, ҳолатим шуни тақозо қиларди.

баҳраманд? Ўн тўрт аср Ислом дини билан яшаб келганлар авлодларига уни тўлиғича етказа олдиларми, яъни, фарзандларига тушунтириб бера олдиларми?

Албатта, барча саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Мана, ошхонада ичиб, чекиб ўтиришибди, шовқинли мусиқа янграяпти. Бу ердагиларни ёппасига шаккоқлар деб бўлмайди, бироқ имонлари заиф, динларини амалда тасдиқлашмаяпти, холос. Табиий, амалга зўравонлик, турли фармонлар ёки қонунлар билан эришиб бўлмайди. Солиҳ амалларни ҳар кимнинг дил эҳтиёжига айлантириш осон эмас.

Шу ўринда жамиятнинг қиё-фаси номоён бўлади. Узоқ, соғлом ва бардам яшамоқчи бўлган жамият инсоният орасида Аллоҳ таоло йўл-йўриқлари асосида шакланган энг юксак маънавий қадриятлардан, бебаҳо бойликлардан фойдаланиши лозим.

Ҳа, жамиятда қўй билан бўри бир оғилда яшамаслиги лозим. Заҳмат чекиб илм излаган, ҳеч курса битта китоб кўп ўқиган етук кишилар муносиб эъзозланмоғи керак. Шундай одамлар бўладикки, улар жамиятни жила курса бир қарич олдинга сил-

Журнализмизнинг ўтган сонда «Истиғфор»-нинг бошланиш қисмини берган, кичкина сўз ёзиб, бу кундаликларнинг ёзилиш тарихини бирмунча изоҳлаб, бу мулоҳазалар онгли умрида илк бора Аллоҳнинг ибодати-га киришган одамга тегишли эканига, баъзи ғалати ўринларига шу жиҳатдан қараш лозимлигига диққатни жалб этган эдик. Муборак Рамазон арафаларида ушбу кундаликларни чоп этишда давом қилар эканмиз, ён-атрофимиздаги бир турткига муҳтож ёр-биродарларимизни ҳам унутмайлик. Аллоҳ таоло ҳам-маларимизни ҳидоят қилсин.

Фикрим ишлаб турди. Демак, ҳаёт тарзи — темир оқим. Уни ўзгартириш осон эмас. Мана, Қуръон нозил бўлганига 1400 йилдан ошди. Одамларнинг қанча қисми ундан

житишга сабаб бўладилар. Мана шундай одамларнинг хор этилиши жамият забундигининг белгисидир.

Ишдан Игорга телефон қилдим. Ака анча «бурро», аранг таниди. “Бизда ҳар куни шу”, дейди. “Рўза тутаяпман”, десам, “Шу кунга қолдингизми, айнибсиз”, дейди. Игорлар милёнлаб, улар ҳам яшяяпти, балки яхши яшяяпти. Мантиқ кимларгадир яшаш лаззатини инъом этиб, кимгадир заҳматни раво кўришда эмас, барчанинг аравани тенг тортишини таъминлашдадир.

Саҳар туриб овқатланишга, ёзишга, муголаа қилишга кўникиб қолдим. Ҳақиқатан, бу пайт илоҳий дамлар бўларкан. Барча амалларни оғринмай, ҳафсала билан адо этияпман. Малол келган жойида тўхтатмоқчиман, чунки ёлғиз одамга барибир оғирлик қилади, кейин эса рўзанинг барча шартларини билиб адо этаётганим йўқ (ҳатто дуоларини билмайман). Шунинг учун бу йилгиси узрли, Худо хоҳласа, асосий ибодатлар олдинда.

(Шу кеча туш кўрдим: бир қишлоқда меҳмондаман, яхши кутиб олишган. Қийшайиб қолган ҳожатхонани таъмирляяпман. Икки хотин жанжаллашиб қолади. Тоғ тарафга зиёратга тайёргарлик. У ёқда доим тўй бўлиб ётармиш. Йўл азобларини айтишди. “Милтиқ борми?” дейман Эшонқул акамга. “Бор”. Уни олволмоқчиман. “Салом, филлар макони”, деб бораверасиз, дейишади...)

Туш жуда аниқ ва таъсирли эди.

20³⁰. Бугун айёмнинг гўзал туҳфаси бўлди. Кунни телефон

қилишдан бошладим, бироқ пул тўланмаган, деб узиб қўйилган. Матбуот агентлигига бордим, Бобоқул биографик маълумотларни олиб қолди. “Хуррият”га ўтдим, Амиркул Бойбўта Дўстқораевнинг юбилейи бўлаётганини айтиб қолди. Бордим. Махсус таклиф қилинмаганим учун сўзламадим. Ифторга таклиф қилишди. Магазинларни айландим, иссиқ пайпоқ сотиб олдим ва ифторликка қайтиб бордим. Яхши суҳбат, самимий дийдорлашув бўлди.

Саккизинчи кун

4⁵⁵. Ҳаммаси кўнгилдагидек.

Хосиятли кунлар янги-янги синоатларни ҳада этипти. Дарё мисол бу дунёда оқ билан қора, яхши билан ёмон, тоза билан ифлос қўшилиб, бир ўзан бўлиб оқар экан-да.

Кеча бир саодатли кун бўлди. Қанча вақтдан кейин устозларни, курсдошларни, журналистика факултети талабаларини кўриш насиб этди. Бойбўта Дўстқораев менга йўлчилик қилган зотлардан. Чекка қишлоқ ўқитувчиси, биригадиру табелчининг даккисидан эзилиб, нима қилиш лозимлигини — ё шароитга қул бўлиш, ё янги ҳаётни бошлашда таваккал қилишни билмай турганимда тўғри маслаҳат берган, янги ҳаётга ундаган одам. Устознинг тўйи муносабати билан кўплаб танишларни кўриш, ифторликда ёнма-ён ўтириш насиб этди. Ўтган йиллар турлича из қолдирган. Албатта, ҳамма вазминлашган, улғайган.

19⁰⁰. Бугун кўлни ёғлайдиган кун бўлди. Эрталаб жияним Ёдгор қарзининг ярмини берди. Ҳозир Расул ака ҳаяжонланиб телефон қиляпти, “Алишер Навоидан салом”, деб. Демак, Навоий вилоятдан пул келган. Барибир, оқшом уйдан чиқиб, унга бормадим. Эртага ҳам кун бор-ку!

Тўққизинчи кун

4⁵⁰. Яхшигина ёмғир ёғди. Ўтган баҳордан кейинги биринчи жиддий намгарчилик.

Чақирилмаган меҳмонлар жорий этган тартибларимни бузиб

юборишди. Ўзимда толиқиш ҳам сезяпман...

Барибир тонг гўзал бўлар экан. Саҳарда, менимча, вужуддаги қон ҳам тиниқлашиб, жами узлар бехато ишлайди. Шу туфайли иштаҳа ҳам яхши, фикр тиниқ, кайфият бардам. Эҳтимол, рўзани шу фурсатдан бошлашда ана шундай мўъжизага гувоҳ бўлиш ҳикмати ҳам бордир.

18³⁰. Оч қолиш аломат берди. Бу ҳол деярли уч кундан бери саҳарлик ҳам, ифторлик ҳам нуқул паловдан иборат бўлгандандир чоғи. Эслатганимдек, бу ойни байрам сифатида кутиб олиш керак экан. Озуқа бой бўлмаса, тана чарчаши табиий.

Оч одам лоқайд бўлиб қолар экан. Улуғ ўзбек халқини но-чорликка дучор этганлар шуни билишган.

Ўнинчи кун

5⁰⁰. Саҳарликка туриш, ифторлик қилиш турмуш тарзимга айланиб улгурди.

Ҳаво совиди, яна ёмғир ёғди. Дастлабки сабоқ: ташқи таъсирларга совуққон муносабатда бўлиш лозим экан. Бошдан кечирганларни муҳокама қилганда эса, ҳаяжонларга, эҳтиросларга бўйсунмай, ақл билан иш тутилса, кўпроқ фойдали хулосаларга олиб келар экан. Менда ҳам вужудни ақл жиловлай олмай қолган пайтлар кўп бўлган. Шундай пайтларда ҳақиқатан ўзимни жиловлай, бошқара олмай қолардим.

Шукр қилишим керак, ижобий ҳоллар юз беряпти. Факултетда бўлишим, у ердаги биринчи ифторлик, қарзларнинг унаётгани — булар моддий ижобиятлар. Руҳиятдаги янгиликлар-чи?! Кеча Абдусамат дўхтир телефон қилиб, эртага ифторликка таклиф қилди. Балки юртдошлардан бирор янгилик чиқиб қолар. Дунё мўъжизаларга бой экан.

6⁰⁰. Телевидение кўрсатувида Жак Ив Кусто ҳақида савол бўлди. Шунда у тан берган оят Қуръонда қайси сурада экан, деб ўйловдим. Ҳозирги мутолаам айнан шу жойга тўғри келибди, ўқидим (Фурқон сураси, 53-оят мазмуни): “Аллоҳ икки ден-

гизни буниси чучук, униси жуда шўр қилиб оқизиб қўйган ва улар ўртасида тўсиқ ва пухта парда қилиб қўйган зотдир” (Ушбу маъно Намл сурасининг 62-оятида ҳам такрорланган).

9⁵⁰. — Неча марта рўзани буздингиз?

— (Қатъий) Бир марта ҳам бузмадим!

(Дўстим билан телефон суҳбатдан.)

16³⁰. Ишдан (кўчадан) ҳозир келдим. Ифторлик ва саҳарлик учун овқат тайёрлашим керак. Очлик кучлироқ сезилапти. Яна бунинг устига рўзгор ташвиши.

Ибодат шундай бўлса керак. Заррача нолиш, шикоят йўқ.

Ўн биринчи кун

5¹⁵. Соат кўнғироғи янграгунча тиниқлик уқладим. Вужудда чарчоқлик, оромли-тинчлангирувчи бир ҳолат кечмоқда. Фақат вужудда эмас, балки руҳиятда, кайфиятдаям. Турмушдаги қашшоқликни ҳам, оби ҳаводаги ҳарорат пастлигини ҳам бир хил баҳолаш мумкин — шундай бўлиши керак эди, шундай бўлапти. (Лекин, ҳақи-қатан, ҳаво анча совиди, балки ер музлагандир ҳам.)

Динимизнинг моҳияти ҳам шунда эмасмикан — ҳаммасига кўникиш ва ҳаммасини бори-ча, муҳокама этмай, мунозара қилмай қабул қилиш!

Шахсий мулоҳазам шуки, динимиз инсонни тарбиялаб, уни мукаммаллаштириб, шу орқали дунё гўзаллигига эришишни мақсад қилиб қўйган, бироқ бошқа динлар билан бақамти яшалганида, қўшниларда дунёни эгаллаб олиш васваси хурж қилиб турганида, муслимларни ким муҳофаза қилади?

Бошқа динлар, конфессиялар, қарашлар билан мунозарада, курашда Исломга сўнгги дин сифатида ғолиблик кафолати берилганми?

Техникавий, илмий тараққиётда Фарбнинг илгарилаб кетиши чинакам тараққиётми ёки ҳалокатни тезлаштиришми?

(Давоми келгуси сонда)



ЭҲТИРОМ

Келажакка ишонч ва умид билан қаровчи, имони бут, меҳр-оқибатли, бағрикенг инсонлар суҳбатида бўлсангиз, дилингиз яйрайди, роҳатланасиз. Яхши инсонларнинг қилган ҳар бир хайрли иши кўпчилик қалбида нур ёқади. Бу нур қалбларни губорлардан тозалайди, ёруғлик оламига олиб чиқади.

Қарийб ярим аср Ўзбекистон мусулмонлари идорасида хизмат қилган Юсуфхон Шоқир (1926—2000) ана шундай пок қалбли инсонлардан эди.

Юсуфхон аканинг болалиги жуда оғир даврга тўғри келди. Шундай бўлса-да, билимга чанқоқ ва ўта тиришқоқ бўлган Юсуфхон очиқ кўнгил, сахийқалб одамлар орасида улғайиб, ҳамшиша эзгуликка интилди.

Илк диний маълумотни отаси Олимхон тўра ҳазратларидан олди. Ул зот ўз даврининг билимдон ва зукко уламоларидан бири эди. Шу боис ҳам ёш Юсуфхон қалбида диний илмга қизиқиш ва иштиёқ эрта уйғонди. Сўнгра у Бухорои шарифдаги «Мир Араб» мадрасасига ўқишга борди. 1948-1955 йилларда мазкур мадрасада таҳсил олиб, билимини янада мустақамлаб қайтди.

1955 йили Юсуфхон ака ҳаётида унутилмас қувончли воқеа рўй берди: афсонавий ўлка, қадимий Мисрга бориш ва бутун оламга машҳур Қоҳира шаҳридаги ал-Азҳар дорилфунунида билим олиш бахтига муяссар бўлди. Бу кўҳна илмгоҳ-



нинг араб тили куллиётини аъло баҳолар билан тугатгач, 1961 йили она юртга қайтиб, диний идорада халқаро бўлим мудири лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади. 1975-1997 йилларда, орада танаффус билан, диний идора раисининг ноиби, 1997 йилдан то умрларининг охиригача Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Бош маслаҳатчи лавозимида ишлади.

Шу давр мобайнида Юсуфхон ака кўплаб хорижий мамлакатларда сафарда бўлдилар. Жумладан, бир

неча бор муборак ҳаж ибодатини адо этиш учун Маккаи мукаррамага бордилар. Хорижий юртлардаги диндошлар ҳамда диний ташкилотлар билан диёримиз мусулмонлари ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилишида у кишининг хизматлари беқийёсдир.

Устоз Юсуфхон Шоқир араб, инглиз, турк, форс тилларини мукамал билган катта арбоб эдилар.

1975 йилда Масков шаҳрида ал-Азҳар университетининг тарихига бағишланган номзодлик илмий ишини ҳимоя қилдилар. Бухородаги «Мир Араб» мадрасаси, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Исломи институтини араб адабиёти, тафсир, ҳадис ва балоғат фанларидан дарс бердилар. Устознинг кўплаб шогирдлари мамлакатимиз ва МДХ давлатларида масъул вазифаларда фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши турли мавзуларда икки юздан ортиқ мақола, маъруза, шунингдек, имом-хатиблар ва Исломи дини билан қизиқувчилар учун «Исломи эътиқод: ақида ва ҳаёт тарзи» номли рисола ҳам ёзганлар.

Диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаган олим Юсуфхон Шоқир катта ҳаётий тажриба орттирган моҳир ташкилотчи, меҳрибон мураббий сифатида қарийб ярим аср Исломи дини йўлида ҳалол хизмат қилдилар.

Яратган Парвардигор устознинг руҳларини шод, охиратларини обод айласин.

Абдураззоқ ЮНУС,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари



БОҚИЙ ЭҲТИЁЖ

Отамдан беш ёшимда етим қолдим. Онам диндор, тақволи, покиза аёл эдилар. Улар менинг тарбиямга диққат билан қарадилар: ибодатга тарғиб этдилар, саводим чиқишига кўмак бердилар... Хуллас, бир муслима аёл фарзандига қандай таълим-тарбия бериши лозим бўлса, ҳаммасини қўлдан келганча қилдилар.



Эндигина намоз ўқий бошлаган кезларим эди. Онам шом намози уч ракатлигини таъкидлаган бўлсалар ҳам, мен шўхлигим, болалигим тутиб, тўрт ракат қилиб ўқийверар эдим. (Албатта, бу ишларни онамдан яшириқча қилардим!) Ҳатто Рамазон ойлари онам билан саҳарлик қилиб оғиз ёпардим-да, пешинда яширинча овқатланиб олардим. Сўнгра ифторда яна ҳеч нарса бўлмагандай бирга оғиз очардим...

Форсийда бир байт бор:

*“Чун биёри
тахороти зоҳир,
Ботинатро
ҳақ кунад тоҳир”.*

Аллоҳ таоло ботинингизни дин илмига, ибодатга муҳаббатли қилиб қўйса, бошқача бўлар экан. Онам, саводинг чиқсин, деб тоғамга шогирдликка бердилар. Барча туркий китобларни ўқиб битирдим. Баъзи диний китобларни ўқишга тунтинганимда мени Мир Араб мадрасасига ўқишга юбордилар.

Мир Араб мадрасасида кечган умрим ҳаётимнинг ўчмас, нурли хотираларидандир. Аллоҳнинг йўлида олинган илм, қилинган ибодат сизни барча зарарли нарсалардан, қийинчилигу машаққатлардан асрар экан. Қийин ишларни енгил қилиб қўяркан.

Уша кезлар мадрасага ўқиш учун кирган талабалар йигирмата эдик. Илм машаққатлари, моддий эҳтиёжлар аксарият талабаларнинг кетиб қолишига сабаб бўлган. Аммо мен... маргилонлик Муҳаммад Амин домла, ўшлик Маҳжурий домла, наманганлик Каромат эшон домлалардан олган сабоқларимни ташлаб кета олмас эдим.

Илм, ибодат лаззати нечоғлик дақиқ лаззат эканини ўша кезлар ҳис қила бошлаганман. Шу боис бўлса керак, ўткинчи ҳавасларни боқий эҳтиёжларга алиша олмасдим...

Дўстмуҳаммад
НАСРИДДИН ўғли

Дунё муслмонларининг дастуриламали ва Ислом динимизнинг асоси бўлган Қуръони мажид диёримизда сўнгги бор даҳрийлар тўнтаришидан илгари 1914 йил Тошкент шаҳрида чоп этилган. Юртимизда советлар ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин илк бор Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний бошқармаси раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли 1957 йили жуда оз миқдорда бўлса ҳам, чоп этишга муяссар бўлинди. Қуръони каримнинг ушбу нусхасини тайёр-



идора раисининг муовини Исмоил Махдум Сағти Охунд ўғлининг хизматлари жуда катта бўлган. Чунки у киши ушбу қўлёзмани бошдан-охир синчковлик

Юртимизда Қуръон нашрлари

лашда 1908 йили Қозон шаҳрида чоп этилган ва халқ орасида “Қозон босма” номи билан машҳур бўлган нусха асос қилиб олинган эди.

1960 ва 1977 йилларда Қуръон яна икки бор муфтий Зиёуддин-хон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратларининг ташаббуси билан Мисрдан келтирилган нусхалар асосида чоп этирилди.

Айниқса, 1969 йили илк Қуръон оятлари нозил бўлганига 14 аср тўлиши муносабати билан нашр этилган Мусхафи шариф алоҳида ўрин тутди. Қуръоннинг бу нусхаси машҳур ўзбек хатотларидан бири Мирза Ҳошим Хўжандийнинг қўл ёзмаси асосида кўчирилган эди. Бу хайрли ишни амалга оширишда диний

билан ўқиб, баъзи жузъий хатоларини бартараф қилган.

Гарчи ўша йиллари Қуръони каримнинг мамлакатимизда чоп этилиши оламшумул воқеа бўлган бўлса ҳам, афсуски, улардан юртдошларимиз фойдалана олмаганлар, чунки чоп этилган Қуръоннинг деярли барча нусхалари советлар ҳукуматини гўё динга ғамхўр қилиб кўрсатиш учун хориждан келган меҳмонларга тақдим этилган, чет элларга жўнатилган. Уша замонларда Қуръони каримни норасмий ўқиш-ўрганиш қонун билан тақиқлангани ҳаммага маълум.

Абдуқаҳҳор
ШОШИЙ



ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ РАИСИ, МУФТИЙ


*Абдурашид қори Абдулмўмин
қори ўғли Баҳромов*



1953 йили Андижон шаҳрида туғилган. Бошланғич диний таълимни падари бузруквори Абдулмўмин қоридан олган. Ўрта мактабни тамомлагач, бирмунча вақт Андижон шаҳридаги 22-мактабда ишлаган. 1975-1979 йилларда Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида таҳсил олган. 1979 йили Имом Бухорий номли Тошкент Олий Ислом маъҳадига ўқишга кириб, 1981 йили уни томоглаган. 1979 йилдан Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Олий Ислом маъҳадида мударрис, “Тилла шайх” жомеъ масжидида имом-хатиб бўлиб ишлаган. 1997 йилдан буён Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий.

Мактубларда манзаралар

Шукр этгувчилардан қилгин



Ўлчовли дунё

Яқин ўртоғимга намоз ўқиш, яхши амаллар қилиш, ёмонларидан тийилиш ҳақида гапирардим-у, аммо ҳеч ижобий натижа ололмасдим. У ҳар гал бир хил жавоб қиларди: “Биз ҳали ёшмиз, ёшимиз эллик-олтмишга борса, намоз ўқиймиз, савоб ишлар қиламиз...”

Бир куни ўша дўстим автоҳалокатга учраб вафот этди. Мўлжаллаган ёшга ҳам етолмади. Мени ҳали-ҳануз ўйлантирадиган нарса: кўз олдимизда бўлиб ўтган бу воқеа бошқа дўстларимга сабоқ бўлмади. Улар аввалги дўстим каби кексайишини кутиб яшашмоқда...

Абдували АБДУҚАЮМ ўғли,
Андижон

Аслида нима бўлди?

Ҳаммаси бозорда рўй берди. Шайтонлар ин қурган бозорда...

Мени ғафлат чулғади.

Тўй-ҳашамга жамлаб юрган тақинчоқларимни ўғирлатиб қўйдим.

Бир неча кун илгари жигар-

ларимни, бемор бувимни кўргани бордим. Шу кунларда ўғилларининг иши юришмайроқ турганидан, рўзғоридаги тақчилликлардан, ҳатто уларнинг анча-мунча қарзи борлигидан ҳам хабардор эдим. Шу боис уйдан чиқаётиб, ҳамёндаги пулдан бир қисмини уларга беришни ният қилдим. Лекин шайтон мени сўзига кўндирди: “Ҳозир сенинг аҳволинг ҳам деярли шундоқ, олдин қизингга мўлжаллаган матоҳингни ол, органини берасан, яхшилиқнинг кечи йўқ...”

Аслида, силаи раҳми унутганим учун Аллоҳ берган дунёсини мендан олди. Силаи раҳми нунутганим учун...

МАҲЗУНА,
ўқитувчи, Тошкент

Сўнги ўтинч

Аллоҳим, ўзинг ҳар ишим, ҳар сўзим, босган ҳар бир қадамимдан огоҳсан. Гуноҳу савобларим тортилганида, Ўзинг ҳукм чиқарурсан, Аллоҳим!

Гуноҳ йўлига мени шайтон бошлади, дея олмайман. Негаки, у эмас, мен унинг васвасаларига учдим. Мен билатуриб имонимни сотдим. Шайтонни кўнгил хонамдан қувиб чиқармадим. Бирор жойим оғриганида ёхуд ишларим юришмагани-

дагина Сени тилга олардим, холос. Ҳатто дардманд кишиларга ширин сўз айтган одам эмасман, мен улардан жирканардим, уларни ҳақоратлардим.

Аллоҳим, Сен берган ақлни бефойда нарсаларга ишлатдим. Сен менга илм бердинг, мен уни фақат дунё ишларига сарфладим. Сенинг каломинг — Қуръони каримни ўқишга рағбат ҳам қилмадим.


Сен менга кўз бердинг, сен берган бу кўзлар фаҳш ишлардан ўзга нарсани кўрмади. Сен менга соғлом қўл ато этдинг, мен шу қўлларим билан савоб ишлар эмас, гуноҳ ишлар қилдим. Сен менга оёқ бердинг, аммо бу оёқларим билан жаннат томон эмас, дўзах сари юрмоқдаман.

Сенинг хузурингга боришдан аввал тавба қиляпман. Сенинг Борлигинг, Бирлигингга иқроп бўлиб айтаман: “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳ”.

...Аллоҳим, Сендан сўнги ўтинчим, Сени севган, ризолигингни ўйлаб яшайдиган бандларинг кўп. Ўша бандларинг қалбидаги имон-эътиқодларини мустаҳкам қилгин. Синовли дардлар юборганинда ҳам уларни шукр этгувчилардан қилгин. Уларнинг дуолари шарофатидан мени ҳам баҳраманд эт. Тавбамни қабул қил. Менга ҳам сабр бер. Ўзинг раҳм қилгин, Аллоҳим...

ДИЛРАБО,
Қашқадарё

УЛУҒ ХАТТОТЛАР ИЗДОШИМИЗ



Илк маънавий-илмий ва диний таянчларимиз асосан қадим қўлёзмаларда акс этган. Асрлар давомида илмнинг барча жабҳаларига тааллуқли бўлган асарлар китобларда жамланган. Ҳадис ва тафсирдан ташқари фалакиёт, ҳисоб, ҳандаса, тиб, фикҳ, фаоҳату балоғат, мантиқ ва ақоид каби фанлар “Мушқулоту фунун” дея алоҳида бобларга ажратилган. Энг муҳими, барча китоблар хаттотлар қўл меҳнати билан кўчирилган. Соҳибқирон Амир Темур даврида маданият маркази бўлмиш Самарқандда хаттотлик санъати юқори чўққиларга чиққан эди. Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Имод каби улуг зотлар бу даврда яшаб ижод қилдилар.

Ҳозирги кунда ҳам ўша даврда ёзилган сулсий, настаълиқ ва яна бошқа жуда кўркам хатларни, 600-700 йиллик тарихга эга китобларни кўришимиз мумкин. Ҳатто VIII асрга оид Куръони карим матнлари ҳам бор.

XIX асрларга ҳам асар китоблар қўлда ёзилган. Шу сабабли хаттотлар қадрланиб, кумуш қалам, заррин қалам, ёқут қалам, гавҳар қалам ва бу соҳада янгилик кашф қилганлари “Парвин рақам” (“Машриқ юлдузи”) каби унвонлар билан тақдирланган.

Ўзбекистонда ўзига хос хат тури бор. XVIII асрда шу хатда Куръон, ҳадис, селоватлар тўплами “Далойилул хайрот” каби китоблар кўчирилган. Қори Аҳмад котиб Бухорий бу хат билан китобот қилишда Марказий Осиёда мўътабар мақомларга чиққанлар.

Яқин ўтмишда XIX-XX асрларда Шоҳмурод котиб Тошкандий, хаттот Мирзо Ҳошим Хўжандий, қори Абдулвоҳид Бухорий, хаттот Муқимий ва Чархий домлалар хуснихатда камолот даражасига етган азизлар эдилар.

Абдулқодир Муродов 1971 йили Ўрта Осиёда эл назарига тушган уч юз олтмишдан зиёд машҳур хаттотлар ҳақида махсус китоб ёзган.

Афеуски, 20-йилларнинг ўрталарида эсан қатағон суронларида кўплаб нодир қўлёзмалар йўқ бўлиб кетди. Уйида арабча ёзувда ёзилган китоб топилган кишилар ё отиб ташланарди, ёки Сибирга сургун қилинарди. Одамлар кўрқиб, уйларидаги китобларни ёқиб юборганлар. Айримлари уларни сувга оқизишган, хатто оёқости бўлиб кетмасин дея қабристонга олиб бориб кўмишган.

1943 йил диния нazorати ташкил этилганидан сўнг, Эшон Бобоҳон ҳазратлари 50-йилларнинг

бошида диния нazorати қошида кутубхона ташкил этишга қарор қилдилар. Ўша йиллари қатағон суронларидан омон қолган 33 мингдан ортиқ китоб “Тилла Шайх” масжидидаги “Мўйи Муборак” биносида рўйхатдан ўтказилди.

1967-68 йилларга келиб вазият бир оз юмшарди. Кутубхонада мудирлик қилган Нодирхон Махсум домла йиғилган китобларни тафсир, фикҳ, ҳадис, тиб, адабиёт, тарих каби алоҳида-алоҳида ажратиб, махсус дафтарга қайд қилиб кўярдилар. Лекин мафкуравий таъсир кучли бўлгани учун хаттотларга муносабат салбий эди. Ҳатто уларга жамиятни инқирозга олиб борувчилар, деб қарашарди. Қанчадан-қанча қўлда ёзилган китоблар, “қаламий экан”, деб чет бир хужрага йиғиб кўйилар эди. Бироқ шунга қарамай, Шоҳмурод котиб, Абдулқодир Муродов, Мирзабарот Қосимов, Шоислом Шомухамедов, шоир Чархий домла каби хаттотлар баракали ижод қилдилар.

Истиқлолдан сўнг хаттотлик санъатига булган эътибор кучайди. Бир қанча кўзга кўринган хаттотлар — Абдулғофур Бухорий, Абдуҳалим хаттот, Муҳиддин хаттот, Раҳимжон Жуманиёзов, шоғирдларимиздан Қирғизистонда Ғайрат хаттот ва Қозоғистонда Қудрат, Мирзо Муҳиддин Ҳисорий, Тошкентда хаттот Ислол Маматов, Абдулғафур Ҳисорий ва бошқа хаттотлар қадимий анъаналарни давом эттиришяпти. Булардан ташқари Абдулазиз Мансур — насталиқ хатига моҳир, Алишер Шомухамедов — насталиқ, шикаета хатига жуда уста, Салимжон Бадалбоев — насх, риқъий услубларда етук маҳоратга эришганларини мисол қилишимиз мумкин. Ҳаттот шоғирдларимиздан Ислол Маматов 1998 йилда халқаро миқёсда ўтказилган танловда юқори ўнликдан жой олди.

Яқинда Тошкент Ислол университетиде хаттотлик бўлими очилди. Бу санъат турига нафақат диёримизда, Курия, Япония каби давлатларда ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Ҳатто Лахорда халқаро хаттотлар уюшмаси тузилди. Бу уюшманинг марказлари Нуй Йорк, Пекин, Лондон, Париж, Токио ва Лахорда жойлашган. Улар билан боғланиб, келгусида алоқалар ўрнатиб ҳамкорлик қилиш чораларини кўрмоқдамиз.

Ҳабибулло СОЛИҲ

ХОЛИС ХИЗМАТ ҚИЛДИЛАР



Ўтган 60 йил давомида диний идорамиз фаолияти ривожига жуда кўп муслмонларнинг хизмати сингди. Улар ибратли умри, билими ва истеъдодини динимиз кўрсатмаларини халққа тушунтиришга, одамларга тўғри йўлни кўрсатишга бағишладилар. Шу боис эл назарига тушдилар.

Отақул Мавлонқулов ҳам ана шундай фидойи кишилардан бири эди.

Бу киши билимдон, зукко уламолардан эди. Илк диний таълимни устози Муҳаммадқул домладан олди. Қалбида диний илмларга қизиқиш ва иштиёқ жуда эрта уйғонди. 1956-1964 йиллари «Мир Араб» мадрасасида тахсил олди. 1964 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний бошқармасининг Тожикистон республикасидаги вакилликда масъул котиб бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. 1969-1974 йиллари хорижда — Ливиядаги университетда тахсил кўрди. 1974-1979 йиллари «Совет Шарқи муслмонлари» журналида масъул котиб, 1979-1991 йиллари Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний бошқармасининг Халқаро алоқалар бўлими мудири, 1993-1994 йиллари «Ислому нури» газетининг бош муҳаррири ва 1994 йилдан то умрининг охирига қадар Ўзбекистон Муслмонлари идораси Халқаро алоқалар бўлими мудири ва Иш бошқарувчи лавозимларида самарали хизмат қилди.

Диёримиз муслмонларининг ҳаёти, турмуш тарзи акс эттирилган кўплаб мақолалари билан газета ва журналларда иштирок этди.

Отақул Мавлонқулов диний идорада қайси лавозимда ишламасин, айниқса хорижий мамлакатлардаги диндошлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга интиларди. У киши диний идора ташкил этган барча халқаро анжуманларда ва хорижий мамлакатларда бўлган қатор



илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этди. Шунингдек, ҳаёти давомида бир неча маротаба муборак ҳаж сафарига бўлди.

Исломий илмларни чуқур эгаллаган, ташкилий ва ҳўжалик ишларида бой тажрибага эга бўлган Отақул Мавлонқулов диний идорада қарийб қирқ йилдан зиёд ҳалол хизмат қилди. У кишининг хайрли ишлари, ҳаёт йўллари ёш авлод учун кўп ибратлидир.

Юсуфжон МАҲМУДОВ,
«Мовароуннаҳр» нашриёти директори

Ҳар гал иш билан Чилонзор кўчасига чиққанимда рўпарамда кўркам «Катта Қозиработ» масжиди намоеён бўлади. Масжид ёнидан ўтарканман, ҳар доим унинг қурилишида фаол қатнашган қанча-қанча инсонларни кўриб тургандек бўламан.

Ўттизинчи йилларнинг ўрталари... Бошланғич синфда ўқир эдим. Бизларга «Худо йўқ. Руҳонийлар онгимизни захарловчи кимсалар» дея ўқдирилди ва биз гўдаклар бунга чиппа-чин ишонар эдик. Ваҳоланки, менинг она тарафдан бобом ҳовузбоғ маҳаллалик Абдурахмон эшон масжидда имом бўлганлар, мактаб тутганлар, ўғил болаларни ўқитганлар.

Мунаввар кунлар қувончи

Аллоҳнинг инояти билан бошимиз узра истиқлол қуёши порлади.

Маҳалламиз намозхоналари маҳалла аҳлининг саъй-ҳаракати, диний идора қўллаб-қувватлаши билан маҳалламизнинг энг гўзал пучмоғида жомеъ масжиди қурилишига киришилди.


Шу ўринда мен маҳалладошларимга, афсуски барчаларининг номларини билмайман, миннатдорлик изҳор этаман. Улар асрлар давомида ота-боболари яшаб ўтган гўшани масжид қурилиши учун холисанлиллаҳ бўшатиб бердилар. Масжид қурилишида маҳалламиздаги Ғулом бобо каби пиру бадавлат отахонлар, Мўминжон сингари не-не қўлигул усталари (ҳаммаларини тилга олиб ўтмаганим учун узр) кечаю кундуз тинмай хизмат қилдилар. Мен улар ичида олтмиш билан саксон орасидаги маҳалладошларимизнинг гайрат билан тер тўкиб ишлаётганларини кўп кўрдим.

Ҳозирги кунда уларнинг айримлари ҳаётдан кўз юмиб кетишган.

Масжидимиз кунда беш маҳал гавжум. Айниқса, ҳайит кунлари бола-бақра, ёш-яланг, қариялар масжид ҳовлисидан тошиб чиқиб, кўчаларни ҳам тўлдиришганида кўнгил ифтихорга тўлади. Истиқлол йилларида Қуръони карим маъно таржималарининг ўзбек тилида чоп этилиши, Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳадиси шарифларининг китоб бўлиб ҳонадонларга кириб бориши юртдошларимиз қалбини ҳидоят нури билан мунаввар этмоқда.

Холида АҲРОРОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими



МАККАДАГИ ИФТОРЛИКЛАР

Саудия Арабистонига сафарим икки марта муборак Рамазон кунларига тўғри келди. Маккаи мукаррамадаги ватандошларимиздан марғилонлик Сафохон Жалолхон ўғли, андижонлик Ҳабибулло Назиржон, Машраб қори Исомиддин ўғли, наманганлик Собиржон, Мадинада Аҳмаджон Ўший, Абдулҳаким қори ва бошқалар ифторликка таклиф қилишди. Сафохон аканикидаги ифторликка бир сафар Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги Бош консули ҳам Тошкентдан келган меҳмони билан таклиф қилинган эди, улар билан ифтор қилдик. Тоиф шаҳридан каминани излаб келган шоир Тошқин (Комил Абдулло Андижоний) ҳам ташриф буюрди.

Ўн-ўн икки кишига мўлжалланган тўкин дастурхон шундоққина гилам-шолчалар устига солинган. Уларда биздагидек “хонтахта” қўйиш одат эмас. Оғиз очарга — шом намозига азон айтиш дақиқаларигача меҳмонлар дастурхон солинмаган бошқа хонадаги ўриндиқларда суҳбатлашиб вақт ўтказдилар. У ерга оғиз очиш учун фақат хурмо ва турли шарбатлар қўйилган, холос. Шулар билан оғиз очилгач, дарҳол шом намози ўқилди. Намоздан сўнг эса, меҳмонлар дастурхон ёзилган хонага таклиф қилинди ва ифторлик маросими бошланди.

Ифторлик дастурхони биздагидек “бой” солинган: нон ва турли ширинликлару қатиқ, шарбатлардан тортиб, хос тайёрланган ҳолвайтару нишолдагача қўйилган. Булардан ташқари, катта-кичик баркашларда турли хил мевалар: олма, “юсуф

афанди” (яъни, кичик-кичик мандарин), пўртахол, банан, узум, нок, хурмо қўйилган. Сафохон аканикида эса, ватандан келтирилган қовун ва маҳаллий “Кўзивой” тарвуз ҳам қўйилган. Юқорида айтилганидек, иссиқ овқатлар — паловдан тортиб мастава, чучвара, мантигача — барчаси биздаги каби навбати билан эмас, балки бир йўла дастурхонга қўйилади ва ҳар ким нимани хоҳласа, бетакаллуф тановул қилаверади. “Олинг-олинг” деган мулозамат-қисташлар йўқ.

Мевалардан узум диққатимни жалб қилди: тоқдан худди янги узилгандек турибди. Тортиниброқ бўлса ҳам, сўрадим, Чилидан келтирилган эмиш. Айтишларича, бундан уч кун илгари Чили узумзорларидан эрталаб узилиб картон қутиларига жойланган ва ўша куни кечки пайт самолётларда Жиддага келтирилган. Иккинчи куни кечки пайт Саудия шаҳарларига тарқатилган, учинчи куни сотувга чиққан ва, мана, ифторлик дастурхониде турибди. Бошқа мевалар ҳам хилига қараб АҚШ (олма, узум), Жанубий Амриқо (олхурот, қулупнай, узум), Миср (анор, пўртахол), Туркия (нок, шафтоли) каби турли мамлакатлардан ҳар куни келтирилади. Ана сизга бозор иқтисодиётининг бир кўринишию халқаро ташқи савдо алоқаларининг ташкил қилиниши.

Очигини айтганда, Чили узуми менга маъқул келмади: катта-катта қўқимтир ва юмалоқ, шираси ҳам унча эмас. Биз тилни ёрадиган ва олтиндай товланадиган узумларга ўрганганмиз. Ифторлик давомида Асаканинг найча узумларини кўз олдимга келтираман. Қани энди куёшнинг иссиқ нурини эмиб етилган узумларимиз ва бошқа меваларимиз халқаро савдога чиқса, жумладан арабистонликларга, ватандошларимиз дастурхонига ҳам етиб келса... Бошқа юртлардан келтирилган узумлару бошқа турли мевалар бизникига рақобат қила олмаслиги аниқ. Илоҳим, шундай кунларга етайлик.

Кейинги кунлари ифторликни қаторасига уч кун Ҳарами шарифда қилдим. Биздаги ва умуман одатдаги ифторлик тартибларидан фарқли ўлароқ, шаҳарнинг барча масжидларида қисқа муддатга ифторлик берилади. Ҳарамнинг ўзида эса, шом намозига келган милёнлаб зиёратчиларга намоз олдидан енгилгина дастурхон солинади: кичик елим идишларда мўл-кўл хурмо тортилади, зам-зам сувлари, чой ва махсус арабча қаҳва берилади. Маҳалла масжидларида эса, нон ва иссиқ овқат ҳам тортилади.

Ҳарамда шомга азон айтилиши биланоқ дастурхонлардаги хурмо билан “оғиз очилади” ва зам-зам, чой ва қаҳва ичилади. Эътибор берсам, ҳар ким ўнтагача хурмо ер экан. Ушбу

ифторлик беш дақиқа давом этади, холос. Сўнгра хизматчилар қоғоз стаканлару хурмо қолдиқларини салафан дастурхонларга ўраб зудлик билан йиғиштириб олишади ва шу билан, қараб-сизки, намозга жой очилади, ифторлик тугайди. Бир-бирларига бегона бўлган одамларнинг ўша беш дақиқа давом этган ифторлик асносидаги ўзаро дўстона муомаласи, беозорлиги ва самимийлиги кишининг ҳавасини келтиради.

Кейинчалик маҳалла масжидларидан биридаги ифторликни ҳам кузатдим. Илтимосимга биноан, мени бир маҳаллага олиб боришди. Бу ердаги қоидага кўра иқтидорли, бадавлат кишилар навбати билан масжидда ифторлик дастурхони ёядилар. Хурмо ва чойдан ташқари, иссиқ овқат ҳам тайёрлашади. Масжидга кирганки одам аввал “оғиз очиб”, сўнг намозга туради-да, намоздан кейин махсус тайёрланган дастурхон атрофида ўлтириб, ифторлик қилишади.

Ўттиз кунлик рўза давомида ҳар куни Ҳарамда ҳам, маҳалла масжидларида ҳам ифторлик дастурхони ёйилади. Фақат фарқ шундаки, Ҳарамда ифторлик давлат томонидан ташкил қилинади, масжидларда эса, айрим саховатпеша кишилар навбати билан икром кўрсатишади.

Икки йил давомида Рамазон ойини Арабистон сафарида ўтказган бўлсам, бу ердаги ифторликларни ўзимиздагига қиёсладим. Маълумки, бизда ҳам маҳаллаларда ҳар ким савоб учун

ифторлик қилиб беради. Бироқ улар масжидда эмас, хонадонда ўтказилади. Шунингдек, бизда ҳам унинг тайёргарлигига катта эътибор берилди, дастурхон жуда қуюқ солинади. Баъзи ҳолларда ифторликдан сўнг таом ва ширинликлардан “насиба” деб туғиб ҳам берадилар.

Имонимизни бақувват қилиш, эътиқодимизни мустаҳкамлаш учун Ислом тарқалган юрт, Пайгамбар, алайҳиссалом, ватанлари бўлган ўлкадаги кўпгина урф-одатлар, таомиллардан ибрат олсақ арзийди. Бир-биридан ўрганиш ва таққослаш эзгуликка хизмат қилса бўлди.

Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ,
Бобур номидаги Андижон
Давлат дорилфунуни профессори



Диққат: “Ҳидоят” “Кўкалдош”да!



2003 йил ўктабрининг бошларида “Ҳидоят” журнали тахририяти пойтахтимизнинг қоқ марказида, қадимий Чорсуда жойлашган “Кўкалдош” мадрасаси биносига кўчиб ўтди. Шунга кўра, почта унвонимиз ҳам ўзгарди:

Индекс 700021,

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани
Навоий кўчаси 46-уй.

Телефон рақамларимизни кейинги сонларда эълон қиламиз.

Тахририят